

**БОҚИЙ ФИКРЛАР**

Одамнинг аждоди,  
насл-насаби тоза  
бўлса, унинг  
фарзандлари ҳам  
шундай бўлади.

Ислом КАРИМОВ



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT \* XALQ ZIYOLILARI GAZETASI \* معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 15-sentabr, chorshanba № 72 (8305) ISSN 2010-6416

**УЛУҒ АЛЛОМАГА  
ЭҲТИРОМ**



Самарқанд шаҳрида қад  
ростлаган Мирзо Улуғбек  
ҳайкали ва музейининг  
очилиш маросими бўлиб ўтди

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида буюк аждодларимиз меросини ўрганиш ва тадқиқ этиш, улар номи билан боғлиқ муқаддас қадамжо ва тарихий обидаларни обод этиш, асраб-авайлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди ва бу хайрли иш изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, Самарқандда ҳам халқимиз фаҳри бўлган Имом Бухорий, Абу Мансур Мотурудий, Амир Темур, Хожа Аҳрор Валий, Мирзо Улуғбек каби улуғ зотларнинг муборак номлари улуғланиб, юбилей саналари халқаро миқёсда кенг нишонланди.

1994 йили Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан Самарқанд шаҳридаги Улуғбек обсерваторияси ва мадрасаси ҳудудида кенг кўламли бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Шаҳардаги асосий кўчалардан бири, шунингдек, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтига улуғ аллома номи берилди.

Т.НОРКУЛОВ (ЎёА)  
олган сурат.

(Давоми 2-бетда.)

**ГАЗЕТАНИ  
ВАРАҚЛАГАНДА:**

**ЭЛЕКТРОН  
УЙИНЛАР**

мантиқан  
фикрлашга, кенг  
мушоҳада  
юритишга  
хизмат қилади

3-бет

**УСТОЗЛАР —  
ЮРТНИНГ  
ЭНГ АЗИЗ,  
ЭНГ УЛУҒ ВА  
МУЪТАБАР  
КИШИЛАРИ-  
ДИР**

5-бет



Mustaqillikning 19 yilligiga

**СУРХОҲДАРЕ  
ВИШОЯТИ**

8-9-бетлар

**ОЗОН  
ҚАТЛАМИ  
ҲАҚИДА  
НИМАЛАРНИ  
БИПАСИЗ?**

11-бет

**ИФТИХОР ЖЎШ  
УРГАН ЛАҲЗА**

Кеча бир гуруҳ каратэчи ёшларимиз Сингапурда ўтказилган навбатдаги Осиё чемпионатидан кўтаринки кайфият ва энг муҳими, ёруғ юз билан она диёримизга қайтиб келишди. Тошкент Халқаро аэропортида уларни тантанали равишда кутиб олиш учун ўнлаб мухлислар, ОАВ ходимлари ва спортчиларнинг яқинлари жамулжам бўлди.

Хитой, Ҳиндистон, Индонезия, Филиппин, Шри-Ланка, Малайзия каби ўндан ортиқ давлатдан келган ўттиздан зиёд ёшлар ўртасида кечган биринчиликда ўзбекистонлик спортчилар умумжамоа ҳисобида 2та олтин, 1та кумуш ва 3та бронза медал шодаларини қўлга киритишга муваффақ бўлди.

(Давоми 15-бетда.)



Бурхон РИЗОКУЛОВ олган сурат.

# УЛУҒ АЛЛОМАГА ЭҲТИРОМ

Самарқанд шаҳрида қад ростлаган Мирзо Улуғбек  
ҳайкали ва музейнинг очилиш маросими бўлиб ўтди

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Буюк фалакиётшунос олим таваллудининг 615 йиллиги муносабати билан 2009 йил бутун дунёда Халқаро астрономия йили, деб эълон қилинди. Юртимизда, жаҳоннинг турли мамлакатларида Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган улкан ҳиссаси мавзуида қатор халқаро анжуман ва симпозиумлар ўтказилди. Ушбу тадбирларда буюк бобоклонимизнинг дунё астрономия фани ривожига ўрни алоҳида эътироф этилди. Мирзо Улуғбек томонидан 1428-1429 йилларда Самарқанд шаҳри яқинидаги Кўҳак тепалигида, Обираҳмат ариги бўйида бунёд этилган уч қаватли улкан расадхона ва ундаги радиуси 40,2 метрлик секстант самоддаги минглаб юлдузлар ҳаракатини кузатиш имконини бергани ва коинот илмига доир бир қатор математик рақамлар аниқ баён этилгани билан дунёдаги расадхоналардан ажралиб тургани яхши маълум.

Жорий йилнинг март ойида Президентимизнинг ташаббуси ва тавсиялари асосида Мирзо Улуғбек расадхонаси худудида кенг қўламли қурилиш-бунёдкорлик ишлари бошланди. Музейнинг эски, кўримсиз биноси бузилиб, унинг ўрнида замонавий лойиҳа асосида расадхонанинг

қадимий кўринишини эслатдиган янги бино қуришга киришилди. Музей ва расадхона ташқи девор қисми мозаика ва майолика билан безатилди. Музейга кирадиган икки тоннелга зиналар гранитдан ишланди. Зинапоя четига ўрнатилган 208 метр узунликдаги замонавий, кўркам панжаралар Самарқанддаги «Кинап» заводида тайёрланди.

Мирзо Улуғбек ҳайкали музейнинг замонавий кўринишига тўла мос келади. Ҳайкал Ўзбекистон халқ рассоми Равшан Миртожиев томонидан яратилди. Ҳайкалнинг орқа томонида юлдузли осмон тасвири туширилган панно ҳам уни мазмунан тўлдириб турибди. Бу иш Ўзбекистон Бадий академияси аъзоси Рустам Солижонов ва унинг шогирдлари томонидан бажарилди.

Расадхона худудида ўрнатилган замонавий чироқлар тунда ҳам мажмуани нурга тўлдириб, унинг жозибасини янада оширади.

Янги музейнинг экспозицияси ҳам унга мос тарзда, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Фанлар академияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Бадий академия томонидан яратилди. Экспозиция асосан икки қисм ва олти бўлимдан иборат. Биринчи қисмда Мирзо Улуғбекнинг

давлат арбоби сифатидаги, иккинчи қисмда эса унинг олимлик фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади.

Музейда Мирзо Улуғбек даврига хос юздан зиёд ашёлар намойиш этилмоқда. Шунингдек, бу ерда қўшимча равишда макетлар, муляжлар, китоблар, асл нусхадаги секстант асбоби бўлаги ҳам мавжуд. Музей экспозициясида Мирзо Улуғбек билан боғлиқ маълумотлар иккита сенсорли компьютерларда жойлаштирилиб, намойиш этилади.

Маросимда Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Ш.Солиҳов, Ўзбекистон Бадий академияси раиси Т.Кўзиев, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо, СамДУ ректори Т.Ширинов, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Д.Салимова ва бошқалар Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган мазкур мажмуа халқимизнинг, буюк мунажжим, фалакиёт илми султони Мирзо Улуғбек даҳосига чексиз эҳтироми рамзи эканини таъкидладилар. Бу иншоот фақат зиёратгоҳ бўлиб қолмай, аллома илмий меросини ўрганишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда Самарқанд вилояти ҳокими Ў.Барноев ҳам иштирок этди.

Ғолиб ҲАСАНОВ,  
ЎЗА мухбири

## ЎҚИТУВЧИЛАР ДОИМО ЭЪТИБОРИМИЗДА

Бувайда туманида бугун 3334 нафар ўқитувчи-мураббий 35 мингдан зиёд ёш авлодга таълим-тарбия бермоқда. Туманда барча мактабларда ўтган ўқув йили давомида «Менинг мактабим — менинг фахрим» кўрик-танлови ўтказилди. Дарс сифатини оширишга, ўқувчилар даволатини таъминлашга, Давлат умуммиллий дастури асосида капитал реконструкция қилинган ва капитал таъмирланган мактабларда бинолар, синфхоналар, улардаги ўқув жиҳозлари, спорт залларидан унумли фойдаланиш ва анжомларни сифатли сақлашга қаратилган танлов ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Энг асосийси, бу танлов тўғрисида бугун мактабларда меҳнат қилаётган фан ўқитувчиларининг, синф раҳбарларининг ўз ишига бўлган масъулияти сезиларли даражада ошди.

Танловда иштирок этиб ғолибликни қўлга киритган синф раҳбарлари моддий ва маънавий рағбатлантирилди. Туман ҳокимлиги томонидан 2009 йили иккита ижобий ташаббус бошланди. Иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган «Иқтидор соҳиб» деб номланган кўрик-танловда 5—9-синфлар кесимида таълим олаётган ўқувчиларнинг барчаси иштирок этди. Энг иқтидорли ўқувчилардан саралаб олинган 25 нафар ўқувчи ғолиб деб топилди. Уларнинг устозлари ҳам рағбатлантирилди. Ғолибларга туман ҳокими стипендияси тантанали топширилди ва улар тенгқурларига намуна қилиб кўрсатилди. Ғолибларнинг сурат-

лари, туман марказидаги катта паннода акс этирилди. Уларга билим бераётган фан ўқитувчилари ҳам алоҳида моддий ва маънавий рағбатлантирилди.

Иккинчи ташаббус «Йилнинг энг намунали синфи» деб номланган бўлиб, унга тумандаги барча синф ўқувчилари ва синф раҳбарлари жалб этилди. Натижада танлов якуни бўйича 1-, 12-, 16 ва 23-мактаблардаги биттадан синф ғолиб деб топилди. Ғолиб синф жамоалари муносиб тақдирланиб, вилоятдаги кўҳна қадамжоларга уч кунлик саёҳат ташкил этилди.

— Устоз ўқитувчиларни эъозлаш фаолиятимизнинг асосини ташкил этади, — дейди туман ҳокими Абдухолиқ Холматов.

— Фидойи ўқитувчилар доимо диққат-марказимизда туради. Ўтган ўқув йили давомида 3672 нафар ўқитувчи ва техник ходимларни рағбатлантириш учун 30 млн. сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. 2340 нафар ўқитувчи-мураббий таътил даврида саломатликларини тиклади. Бу йил ҳам ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрамиди юқори савияда ўтказиш юзасидан тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Бир гуруҳ ўқитувчиларни бепул саёҳатга жўнатиш, энг фаол педагогларга компьютер, ўқув куроллари ва китоблар совға қилиш ниятимиз бор.

Ўзининг ижодий изланишлари билан баркамол авлод тарбиясига муносиб ҳисса қўшаётган ўқитувчиларнинг моддий ва маънавий рағбатлантирилиши таълим сифати ва самардорлиги кафолатидир.

Баҳодиржон ШОКИРОВ,  
«Ma'rifat» мухбири

Самарқанд шаҳрида «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида «Бўш иш ўринлари ярмаркаси» ҳамда «Келажак овози» Республика ёшлар танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш тадбири бўлиб ўтди. Эрта тонгдан ярмарка бўш иш ўринларига эга корхона ва ташкилотлар, муассасалар вакиллари, олий ўқув юртлири, касб-хунар коллежларини битирган ёшлар ҳамда ота-оналар билан гавжум бўлди.

— Ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашувчи марказ ташаббуси билан бундай ярмаркалар вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида ўтказилмоқда, — дейди вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи Дилшод Бердику-

кстон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази томонидан ташкил этилаётган ушбу танлов иқтидорли ёшларни кашф этмоқда. Биргина, вилоятимиздан 50

## ЁШЛАРГА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

лов. — Самарқанд шаҳрида ташкил этилган бугунги ярмаркада 207та корхона ва ташкилотлар ўзларидаги 2630 та бўш иш ўрни ҳамда 374та квота ўринларини тақдим этишди. Бандликка кўмаклашувчи шаҳар маркази томонидан таклиф этилган 1701 нафар йигит-қизнинг 743 нафарига мутахассислиги бўйича йўланма берилди. Шулардан 14 нафар имконияти чекланган ёшлар ўзларига мос фаолият турларига, 65 нафари жамоат ҳамда 20 нафари касб ўқитиш ишларига йўналтирилди.

— 2008 йили Самарқанд тиббиёт институтини битириб, яна икки йил врач-уролог мутахассислиги бўйича таҳсил олдим, — дейди Собир Рашидов. — Соҳам бўйича иш топиш мақсадида ярмаркада қатнашиб, Сартепа масканидаги 8-оилавий поликлиникадан иш топишга муваффақ бўлдим.

Шундан сўнг, тадбир иштирокчилари «Келажак овози» танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросимига ташриф буюришди.

Танловда сўз олганлар юртимизда ёш иқтидор эгаларига кўрсатилаётган ғамхўрликлар, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор хусусида тўхталди. Таъкидландики, «Ўзбе-

нафар ёшлар ҳал қилувчи босқичда ғолибликни қўлга киритган бўлса, уларнинг лойиҳалари мамлакатимизнинг кўплаб саноат корхоналарида, иқтисодиёт тармоқларида амалиётга жорий этилмоқда. Танловдан руҳланган иқтидорли ёшларнинг халқаро фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этмоқда.

Тадбир давомида танлов ғолиблари ўзлари тайёрлаган лойиҳаларни тақдим этишди.

— Танловнинг техник ишланмалар ва рационализаторлик таклифлари номинациясига ўз лойиҳамни тақдим этдим, — дейди Самарқанд тиббиёт институтини талабаси Ҳасан Иброҳимов. — Лойиҳам уяли алоқа воситаси, радиотўлқинли мослама ўрнатилган махсус кийим ва тиббий ҳасадан иборат бўлиб, у имконияти чекланган ҳамда оғир хасталикка чалинган фуқаролар учун бирмунча қулайликлар туғдиради. Яъни бу қурилма ёрдамида нохушликка учраган беморни топиш, яқинларига ёки тиббий тез ёрдам муассасаларига хабар бериш имконини беради.

Тадбир ниҳоясида ғолибларга ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совғалар, дипломлар топширилди.

Ҳаким ЖўРАЕВ,  
Абдуғафур ШЕРХОЛОВ

# ЧИРОҚЧИДА ЗАМОНАВИЙ КОЛЛЕЖ

**Мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллиги байрамида Чироқчи туманининг «Зарбдор» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган Ровот қишлоғида 615 ўринли замонавий коллеж биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.**

Коллежнинг очилиш маросимида туман ҳокимининг иқтисод ишлари бўйича ўринбосари Эркин Бобоқулов, ҳамда ровотлик Алихон бобо Икромов, Жўра бобо Имомқулов, Абдиназар бобо Рўзимуродов, Тоштемир бобо Ражабов каби кекса отахонлар ёш авлодга тилак билдириб, уларни яратилган мисли қўрилмаган имкониятлардан унумли фойдаланишга чақирдилар. Меҳмонлар коллеждаги

қулайликлар билан яқиндан танишар экан, у ердаги ўқув хоналари, компьютер хонаси ва спорт залидаги қулайликлардан қувончга тўлди.

Таъкидлаш ўринлики, мазкур уч қаватли бино қурилишига 2 млрд. 198 млн. сўм маблағ сарфланди. Айни дамда бу кўркем ўқув масканида 377 нафар ўқувчи-ёшларга 32 нафар ўқитувчи-педагог таълим-тарбия бериш билан маш-

— Чироқчи иқтисодиёт ва сервис касб-хунар коллежизмда ўқитувчи-педагоглари миз талаба-ёшларга 7 йўналиш бўйича касб-хунар сирларини ўргата бошлади, — дейди коллеж директори Ўрол Холёров. — Мақсадимиз коллеж ўқувчилари орасидан аввало етук мутахассислар тайёрлаш, турли кўрик-танловларда, спорт мусобақаларида, жумладан, «Баркамол авлод» спорт мусобақасида муносиб иштирок этадиган ва совринли ўринларни қўлга киритадиган ёшларни етиштириб, ўқув масканимиз нуфузини нафақат вилоятда, балки мамлакат миқёсига ёйишдир.

**Ўқтам МЕЙЛИЕВ,**  
«Ma'rifat» мухбири



## БОЛА ЭХТИЁЖИГА КЎРА

Табиийки, бола табиатан ўйинқароқ бўлади. Шу боис ундаги компьютер технологияларини ўрганишга бўлган илк қизиқиш турли ўйинларни ўйнашга интилишдан бошланади. Агарда ушбу ўйинлар таълимий вазифасидан кўра кўпроқ вайронкор ғояларни тартиб этишга қаратилган бўлса, боланинг онгини захарлаши тайин. Бундай шароитда эзгулик ва инсонпарварлик, баркамоллик ва бунёдкорликка хизмат қилувчи, миллий анъана ва қадриятларимизга мос, ёшларни манتيқий мушоҳада юритишга, компьютер орқали билимлар оламининг турфа сирларини ўрганишга чорловчи электрон ўйинларни яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Ана шу мақсадда Республика таълим маркази томонидан сўнгги йилларда 12 номда электрон ўйин ишлаб чиқилганини алоҳида таъкидлаш керак. Ушбу ўйинлар, асосан, умумтаълим мактабларининг 5-синф ўқувчиларига мўлжалланиб тайёрланган бўлса-да, улардан мактабгача таълим муассасаларининг тайёрлов гуруҳи тарбияланувчилари, бошланғич синф ўқувчилари ҳамда компьютер саводхонлигини оширишни истовчи ёшлар фойдаланишлари мумкин. Масалан, «Алжабр» ўйини орқали болалар санашни, сонларни тартиблашни ўрганади, ҳар хил амаллар устида ишлаб ва математикага доир тест топшириқларини бажариб, ўзларининг компьютер саводхонлигини ошира олади. Ушбу ўйинда ўқувчи ўз билими ва имкониятига қараб, амаллар даражасини белгилайди. Биринчи синф ўқувчилари 10гача бўлган сонлар билан ҳисоб-китоб амалларини бажарса, тайёрлов синфлари ўқувчилари санашни, сонларни тартиблашни ўрганиши мумкин.

Республика таълим маркази томонидан тақдим этилган ўйинлардан яна бири — математикадан бошланғич синф ўқувчилари учун мўлжалланган топшириқларни ўз ичига олади. Унда турли расмларда ифодаланган рақамлар орқали қўшиш амаллари бажарилади. «Узоқ саёҳат» ўйини ҳам ўқувчиларнинг математика фанига оид билимларини оширишга хизмат қилади. Унда бир вақтнинг ўзида битта компьютерда тўрт нафаргача ўқувчи шугулланиш имконига эга. Дастлаб ўйинчилар сони, амаллар ва натижа чегаралари аниқлаб олинади. Шундан сўнг 10дан 100гача бўлган рақамларда турли амаллар бажарилиб, ўқувчилар узоқ ва сирли саёҳатга йўл оладилар. Қўшиш, айириш, кўпайтириш ва бўлиш амалларини тўғри бажарган ўқувчи белгиланган маррага биринчи бўлиб етиб келади ва волиб учун ўзига

хос мукофот — қизиқарли мультфильми томоша қилиш имконияти берилади.

— Қизиқарли компьютер ўқув ўйинлари ва тренажёрлар ичида «Сўз ўйини» ҳамда клавиатура тренажери алоҳида аҳамият касб этади, — дейди Республика таълим маркази таълим жараёнини ахборотлаштириш бўлими бошлиғи Баҳодир Болтаев. — «Сўз ўйини»да ўқувчи эътиборига ҳавола этилган 15та ҳарфдан сўз тузиш талаб қилинади. Ушбу ўйинга тажрибали мутахассислар томонидан тақдим этилган сўзлар гуруҳи киритилган бўлиб, улар ўқувчи имкониятларига мос тарзда тан-

ва ота-оналар болаларнинг компьютер ўйинларига бўлган қизиқишларини уларнинг ёши, дунёқараши, жисмоний-ақлий имкониятларидан келиб чиқиб, таълимий мақсадга йўналтириши даркор. Ўйинларнинг туб моҳиятини яхши англаган ўқувчи улардан мақсадли равишда фойдаланади.

— Бола компьютердан ўйин эмас, балки билим ва тафаккурини оширувчи восита сифатида фойдаланиши зарур, — дейди Миробод туманидаги 110-мактабнинг информатика фани ўқитувчиси Гулнора Юсупова. — Ўқувчиларимизнинг компьютер ўйинларига мойиллиги кучли эканини ино-

## Dolzarb mavzu

томондан тушиши, хона ҳарорати 20-24 даражани ташкил этиши зарур, — дейди болалар шифокори Умида Собирова. — Экран ва клавишлар кўзни қамаштирмаслиги, монитор ва кўз орасидаги масофа 50-60 см. бўлиши, компьютер қаршисида ўтириш давомийлиги эса 25-30 дақиқадан ошмаслиги даркор. Бу боланинг соғлом ўсиши ва билимларни чуқур ўзлаштиришига хизмат қилади.

# ЭЛЕКТРОН ЎЙИНЛАР

мантиқан фикрлашга, кенг мушоҳада юритишга хизмат қилади



батта олган ҳолда улар эътиборини Республика таълим маркази томонидан тақдим этилган электрон-ўйинларга қаратмоқдамиз. Ўйинлар бешинчи синф ўқув дастурига киритилган. Шу боис, асосан компьютер оламига илк бор қадам қўйган бешинчи синф ўқувчилари бу жараёнга жалб қилинади. Улар ўйин билан машғул бўлиб, sichqoncha ва клавиатурада ишлаганини ўрганади, компьютерга оид дastlabki билимларни эгаллайди.

## МЕЪЁР, ТАЛАБ ВА ТАВСИЯЛАР

Компьютер технологиялари орқали олинadиган билимлар боладан бир жойда ўтирган ҳолда экрандан эътиборни узоқ муддат чалғитмасликни талаб этади. Шу боис ўқитувчи ва ота-оналар компьютер ўқув ўйинлари ва тренажёрлардан фойдаланишда белгиланган талаб ва меъёрлар мавжудлигини ёддан чиқармасликлари зарур. Чунки компьютер олдида узоқ вақт ўтириш, меъёр ва талабларга риоя қилмаслик боланинг жисмоний ва руҳий ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

— Компьютер қаршисида ўтирган болага ёруғлик нури юқори чап

ланган. Шунингдек, ўйинга ўқитувчиларнинг қўшимча сўзларни киритишлари учун ҳам имконият яратилган.

«Хотирангни синаб кўр» ўйинида эса бир хил расмлар ўрнини тўғри топа билиш талаб этилади. Ҳайвонлар, ҳарфлар, автомобиль, мева ва турли расмлар бола диққатини ўзига тортади, улар ўрнини эслаб қолиш шартининг мавжудлиги ўқувчи хотирасини мустаҳкамлашга кўмаклашади. Ушбу ўйинда ҳам волибга қизиқарли мультфильм совға тарзида намойиш этилади.

## ЎЙИНДА ТАЪЛИМИЙ ВАЗИФА

Таълим-тарбия жараёнида сифатли ўйинларни танлаш билиш муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода ўқитувчи

## БУГУН — КЕПАЖАК КЎЗГУСИ

Электрон ўйинлар сифатини янада ошириш, уларни мазмунан бойитиш ва янги турларини яратиш бўйича кўшгина ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йил май ойида Бухоро вилоятида ўтказилган «Электрон ахборот-таълим ресурслари» республика кўрик-танлови ҳам бу борада қилинаётган ишлардан бири бўлди. Бу кўрик-танловнинг умумий ўрта, ихтисослаштирилган давлат умумтаълим ва махсус мактаблар ўқувчилари ўртасидаги компьютер ўқув ўйинлари ва тренажёрлар йўналишида кўплаб ишланмалар ҳакамлар ҳайъати эътиборига ҳавола қилинди. Улар орасида ишлари энг мақбул деб топилган Тошкент вилояти-Паркент туманидаги 1-мактаб ўқувчиси Абдумавлон Юсупбоев биринчи, Бухоро вилояти Қоровулбозор туманидаги 8-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ўқувчиси Элбек Сатторов иккинчи, Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги 43-давлат ихтисослашган мактаб-интернати ўқувчилари Даврон Сотволдиев, Жавоҳир Акбаралиев, Шояд Муҳаммаджонов ва Жамшид Абдувалиев учинчи ўринни қўлга киритди.

Айни дамда юқори ўринларни эгаллаган компьютер ўқув ўйинлари ва тренажёрлар Республика таълим маркази ҳузуридаги Илмий кенгаш томонидан батафсил ўрганилмоқда. Кенгаш тасдиғидан ўтган дастурлар республика миқёсда оммалаштирилади.

**Санжар РУСТАМОВ,**  
«Ma'rifat» мухбири

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА БМТНИНГ МИНГЙИЛЛИК ТАРАҚҚИЁТ МАҚСАДЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИШНИНГ БОРИШНИ ҲАММИНИ, МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАРИДАГИ ИСЛОХОТЛАР ВА ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАРНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ САМАРАЛИ ЙЎЛЛАРИНИ АНИҚЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ПАРЛАМЕНТ ЭШИТУВИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Очиқ мулоқотда Олий Мажлис Сенати ва ҳукумат аъзолари, бир қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари, олимлар, ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирок этди.

Таъкидландики, мамлакатимизда истиқлол йиллари давомида амалга оширилиб келинаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий ислохотлар натижасида аҳолининг муносиб турмуш шароитларига эришиши, даромадлари ва фаровонлигининг муттасил ошириб бориши, ҳар бир юртдошимизнинг касбий, интеллектуал ва маънавий салоҳиятини тўлақонли рўёбга чиқариш борасида кенг имкониятлар яратилди. Таълим, тиббий хизмат, ижтимоий ҳимоя, инсон ҳуқуқлари каби кўпгина соҳаларда ўз мазмун-моҳиятига кўра ноёб бўлган миллий ва ҳаётий дастурлар ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилмоқда. Ушбу саноат-ҳаракатлар самараси сифатида бугунги ҳаётнинг иқтисодий инқирози шароитида ҳам Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётни янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, иқтисодиётни модернизация қилиш, халқ фаровонлигини ошириш мақсадида амалга оширилаётган узлуксиз ижобий ўзгаришларни кўриш мумкин. Мамлакатимизда биргина таълим тизимида олиб борилган ислохотларни таҳлил этадиган бўлсак, болаларнинг бошланғич ва умумий ўрта таълимга қамраб олиниши, уларнинг чуқур таълим-тарбия олишлари учун яратилган шароитлар Ўзбекистонда БМТ

Мингйиллик тараққиёт дастурининг бу борадаги мақсадларидан анча илдамлаб кетилганлигини кўрсатади. Аҳоли ўртасида тиббий-профилактик чора-тадбирлар ёки ижтимоий ҳимоя масалаларида ҳам ана шундай мисолларни келтириш мумкин.

Олий Мажлисининг куйи палатаси томонидан ташкил этилган ҳукумат ва парламент ўртасидаги ушбу мулоқотда вазирлик ва идораларнинг амалий фаолиятини таҳлил қилиш бўйича қонунчилик базасини янада такомиллаштириш, БМТнинг Мингйиллик тараққиёт мақсадларининг йўналишлари бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларнинг парламент ва жамоатчилик мониторингини олиб боришга доир самарали механизмлари аниқлаш юзасидан истиқболли вазифалар белгилаб олинди.

Шунингдек, депутатлар томонидан БМТнинг Мингйиллик тараққиёт мақсадларига эришиш бўйича халқаро ва минтақавий муаммоларни ҳал этишда минтақавий ҳамда глобал кооперацияга доир амалий тақлифлар ишлаб чиқиши режалаштирилаётганлиги ҳам таъкидланди.

**Бахтиёр ЁҚУБОВ,**  
"Ma'rifat"  
мухбири

**ИНСОН ТАНАСИДАН ЧИҚАЁТГАН ИССИКЛИК ВА ПИЁЛАДАГИ ҚАЙНОҚ СУВ ТАФТИДАН ФОЙДАЛАНИБ, КИЧИК ЛАМПОЧКАНИ ЁКИШ ЁКИ МЎЪЖАЗГИНА СОВУТКИЧ ПАРРАГИНИ АЙЛАНТИРИШ МУМКИНЛИГИГА ИШОНАСИЗМИ? БИЗ ЯШАЁТГАН ДАВРДА ИНСОН ТАФАҚҚУРИ МАҲСУЛИ ҲАММИНИ, ТЕХНИКА-ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТАРАҚҚИЁТИ ЮКСАК ДАРАЖАГА КЎТАРИЛДИКИ, НАТИЖАДА ШУ КАБИ САВОЛЛАР КЎПЧИЛИКНИ АЖАБЛАНТИРМАЙ ҚЎЙДИ, ДЕЙИШ МУМКИН.**

Табиийки, шу билан бирга инсонларнинг кунда-кунора янги тури, кўриниш ва шакллари кашф этилиб, такомиллаштириб борилаётган технологиялар ҳақидаги ахборотга бўлган эҳтиёжи ҳам ошиб бормоқда. Мустақиллик шодиёналари арафасида нишона сони чоп этилган «XXI asr texnologiyalari» журнали ёшларнинг ана шу эҳтиёжини қондиришга, маънавий-маърифий савиясини оширишга қаратилган.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижроси доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси муассислигида чиқарила бошланган мазкур журнал 32 саҳифадан иборат. «Мулоқот», «Ихтиролар тарихидан», «Изданиш», «Қизиққанга кенг дунё» каби рукнлар остида чоп этилган бир-биридан қизиқарли мақолалар нафақат болалар ва ўсмирлар, балки турли ёшдаги кишиларни ҳам бирдек қизиқтириши табиий. Нашр асосан болалар ва ўсмирлар аудиториясига мўлжалланганлиги боис, мақолаларнинг содда, тушунарли ва қизиқарли бўлишига алоҳида эътибор қаратилган.

Унда, шунингдек, замонавий технологиялар соҳасида илмий изланишлар олиб бораётган ёшлар, уларнинг эришаётган ютуқлари ҳақида ҳам маълумотга эга бўламиз. Уйлаймизки, журнал келажаги истиқболли бўлиб, ёшларнинг билим ва савияларини оширишга хизмат қилади.

**Соҳиба МУЛЛАЕВА,**  
"Ma'rifat" мухбири



**РЕСПУБЛИКА ЁШЛАРИНИНГ "БИОЭКОСАН" ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУАСИДА ТИЗИМДАГИ ТЎГАРАК АЪЗОЛАРИНИНГ ЯНГИ 2010-2011 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН "ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ" ҲАМДА "ЭКОЛОГИК БИЛИМЛАР ОРҚАЛИ НОГИРОН БОЛАЛАРГА ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ БЕРИШ" ЛОЙИХАСИ ТАКДИМОТИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

Кўтаринки руҳда бошланган тадбирдан ёшларнинг экологик билим ва маданиятини ошириш, уларни она табиатида шевив ва экологияга онгли муносабатда бўлишга ўргатиш, қалбларида жонажон ўлкамизнинг гўзаллигини кўра олиш туйғуларини шакллантириш, мураббийларни экологик таълим-тарбияга ихтисослашган дарс ва машғулотларнинг янги усул ва услублари билан таништириш, янги ўқув йилида тўғарақларга ўқувчиларни кенг жалб этиш каби мақсадлар кўзланди.

Шу муносабат билан ўқув-услубий мажмуада фаолият юритаётган "Экология ва саломатлик", "Табиатшунос-дизайнер", "Компьютер саводхонлиги", "Аквариум балиқчилиги", "Қушчилик", "Гулчилик", "Эколидер" ва бошқа тўғарақ аъзоларининг ижодий ишлари кўргазмаси намойишга қўйилди.

— Мамлакатимизда экологик таълим-тарбия тизимини ривожлантириш ва янги босқичга кўтариш борасида нафақат мактаб, балки мактабдан ташқари таълим муассасаларида ҳам қатор тадбирлар амалга оширилмоқда, — дейди Республика "Биоэкосан" ўқув-услубий мажмуаси директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Ҳасан Жалолов. — Жумладан, ўқув мажмуамиз таркибидаги 10та вилоят, 4та шаҳар ва 86та туман экомарказларида биология, экология ва саломатлик йўналишларида ўқув-услубий ишлар изчиллик билан олиб борилмоқда. Жорий ўқув йилида эса Тошкент шаҳридаги экомарказларда инклюзив таълимнинг йўлга қўйилиши ҳам режалаштирилган.

**Дилшод КАРИМОВ,**  
"Ma'rifat" мухбири

**МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 19 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА «БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ» МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА ЁШЛАР ЎРТАСИДА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УЛАРНИНГ СИЁСИЙ БИЛИМЛАРИНИ ОШИРИШ, ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР, ШУНИНГДЕК, «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ ИШИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ, ЁШЛАРГА ОИД ҚОНУНЛАРНИ КЕНГ ТАРФИБ ЭТИШ МАҚСАДИДА ЎТКАЗИЛГАН «ЁШ СИЁСАТЧИ-2010» ТАНЛОВИ «ШУ АЗИЗ ВАТАН БАРЧАМИЗНИКИ» ШИОРИ ОСТИДА БАРЧАНИ ЖИПСЛАШТИРДИ.**

Қамров хизмати билан эса бошқа йиллардагига қараганда яққол ажралиб турган бу йилги танлов жараёнида жами 7500 нафар ёшлар орасидан 14 нафари финал босқичига етиб келди.

Танловнинг республика босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар микёсида голибликни қўлга киритган 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган истеъдодли ёшлар ўз маҳоратларини синовдан ўтказишди.

Бой таассуротлар остида ўтган мазкур танлов натижаларига кўра, биринчи ўрин Сурхондарё вилояти, иккинчи ва учинчи ўринлар Жиззах ҳамда Тошкент шаҳри вакилларига насиб этди. Голиблар ташкилотчиларнинг фахрий ёрликлари ва қамраб-баҳо совғалари билан тақдирланди.

**Феруза ХОЛИМУРОВА**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИДА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОИСА ТАШКИЛОТИ ҲОМИЙЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «КОРЕЙС ТИЛИ ЛИНГВОН СИМФИ»НИНГ ОЧИЛЫШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Маросимда иштирок этган ўқитувчилар, талабалар ташкилот томонидан тақдим этилган 27 минг АҚШ доллари миқдоридagi сўнги русумдаги компьютерлар, лингвон ҳамда телевидео аппаратуралар, 1000дан зиёд ўқув адабиёти ва дисклар билан танишдилар.

— Мазкур олий таълим муассасасининг корейс филологияси факультети талабалари бизнинг тарихимиз, маданиятимиз, урф-одатларимиз ҳақида тушунча олишда фақат кутубхоналардаги адабиётлар билан чекланишаётганди, — дейди КОИСА кўнгиллилари жамияти вакили У Ҳи Ёнг. — Энди бу замонавий синфда яратилган техник имкониятлар ёрдамида электрон дарсликлар, Интернет воситаларидан фойдаланиб, ушбу эҳтиёжларини қондиришлари мумкин. Бундай қулайликлар, албатта, талаба-ёшларнинг тилни мукамал ўзлаштириши, билим, кўникмаларининг шаклланишига ёрдам беради.

**Ҳақим ЖЎРАЕВ**



**БУГУН ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ 74ТА МАКТАБ «БОЛАГА ДЎСТОНА МУНОСАБАТДАГИ МАКТАБ ЛОЙИХАСИ» БЎЙИЧА ИШ ОЛИБ БОРМОҚДА. БОЛАНИНГ МАКТАБ МУХИТИДА ЎЗ ЎРНИГА ЭГА БЎЛИШИ, БИР-БИРИ БИЛАН ДЎСТОНА МУНОСАБАТГА КИРИША ОЛИШИ, ҲАР БИР ЎҚУВЧИНИНГ ШАХСИЙ ДУНЁҚАРАШИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УЧУН ШАРТ-ШАРОИТ ЯРАТИШ — БУ ЛОЙИХАНИНГ БОШ МАҚСАДИ.**

Ана шундай мазмунни қамраб олган уч кунлик семинарга Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси тасарруфидаги барча туман халқ таълими бўлими методика кабинети мудирлари ва мониторинг бўлими мутахассислари жалб қилинди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва ЮНИСЕФ-

нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида уюштирилган семинарда ушбу лойиҳани такомиллаштириш билан боғлиқ янги методикалардан тингловчилар хабардор қилинди.

**Ҳ.КУЗМЕТОВА**

## ҲУРМАТЛИ КИТОБХОНЛАР!

«Шарқ зиёкори» китоблар маркази — бадий, ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий, ўқувчи ва талабалар учун дарслик ва ўқув адабиётларини тақлиф қилади.

Китобларни Республикаимизнинг барча вилоятдаги филиалларимиздан харид қилишингиз ва тақлиф-мулоҳазаларингизни беришингиз мумкин!

Т/р	Филиаллар	Манзили	Телефон рақами
1.	Тошкент шаҳри	Бухоро, к. 26	8 371 233 58 72, 8 371 233 35 90
2.	Андижон шаҳри	Фитрат к., 245-савдо мажмуаси 2-к, 40-д.	8 374 255 18 00, +99874 7777 050
3.	Бухоро шаҳри	М. Иқбол к., 11	8 365 223 75 96
4.	Жиззах шаҳри	Ш.Рашидов к., 1	8 372 226 42 93
5.	Навоий шаҳри	Ўзбекистон к., 14	8 436 223 01 30, +99879 3214513
6.	Наманган шаҳри	Навоий к., 36, Дўстлик шоҳ кўчаси	8 369 226 49 64, +99869 252 63 06
7.	Нукус шаҳри	А. Дустназарова к., 85 А.	8 368 222 32 39, 8 361 614 39 32
8.	Самарқанд шаҳри	Университет хиббони, 15, Мустақиллик к., 48	8 366 233 23 68, 8 366 233 17 63, 8 366 390 17 63
9.	Хива шаҳри	Ичанқалъа давлат кўрикхонаси	8 362 375 43 08, +99862 526 44 11
10.	Фаргона шаҳри	Қ.Доддох, к. 2 Маргилон ш., Мустақиллик к.	8 373 224 44 68, 8 373 576 565 09
11.	Гулистон шаҳри	Мустақиллик к., 81	8 367 225 12 99
12.	Термиз шаҳри	Ат-Термизий, 1	8 376 223 11 04, 8 376 390 52 01
13.	Қарши шаҳри	Ўзбекистон к., Мўлжал: МУМ	8 375 227 77 00, 8 375 776 41 01
14.	Илм шуъласи	Тошкент в.	+ 99 897 421 50 52

«Шарқ зиёкори» — китоб билан ҳар бир хонадонга!

“... Биз юртимизда янги авлод, янги тафаккур соҳибларини тарбиялашдек масъулиятли вазифани адо этишда биринчи галда ана шу машаққатли касб эгаларига суянализ ва таянализ, эртага ўрнимизга келадиган ёшларнинг маънавий дунёсини шакллантиришда уларнинг хизмати нақадар беқиёс эканини ўзимизга яхши тасаввур қиламиз”.

И.КАРИМОВ

Ёш авлодни билимли, саводхон, маънавий баркамол ва жисмонан соғлом қилиб вояга етказишда ўқитувчи ва мураббийларнинг ҳиссаси бе-ниҳоя каттадир.

Бугунги кун ўқитувчиси ўз устида тинимсиз ишлайдиган, ҳар томонлама кенг фикрлайдиган, илғор педагогик ва ахборот технологияларини самарали қўллай оладиган ижодкор шахс ҳамда ёшларни билим чўққилари, юксак маънавият сари юксак инсоний фазилатлар соҳиби бўли-

• Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ташкилотлар, Педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари ва педагогика институтларида 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунини умумхалқ байрамини муносиб нишонлаш борасида “Устозлар — юртнинг энг азиз, энг улуғ ва мўътабар кишиларидир” мавзусида туркум тадбирлар (дав-

## 1-октябр — «Ўқитувчилар ва мураббийлар кунини» умумхалқ байрами

мида алоҳида муваффақиятларга эришган педагог ходимларни вазирлик, ҳокимлик ва ҳудудий халқ таълими бошқарув органлари томонидан моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш;

• маҳаллий ҳокимликларда давлат ва вазирликнинг тармоқ мукофотларига сазовор бўлган ўқитувчилар ва мураббийларни қабул маросимларини уюштириш, туман, вилоят ва республика миқёсидаги тантанали йиғилишларда босқичма-босқич мукофотлар топширилишини ташкил этиш.

Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган байрамлар: дарс, тарбиявий соат, семинар-кенгаш, адабий-ба-

тизимига ҳомийлик қилаётган тадбиркорлар, эл назарига тушган, ташаббускор, ижодкор ва соҳаси бўйича ўз мактабини яратган фидойиларни, Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлганларни тақлиф этиш, улар билан учрашувлар, давра суҳбатлари, илмий-амалий конференция, кўргазмалардан иборат туркум тадбирларни ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Унда мамлакатимиз ҳаётида улкан тарихий аҳамиятга эга бўлган энг муҳим дастур — Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг ижроси амалда ниҳоясига етказилга-


га мос ўқув воситалари билан жиҳозланганлиги, таълим соҳаси ходимларининг меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, доимий эътибор марказида бўлиб келадигани барчамизга маълум.

Байрам арафасида кўп йиллар таълим соҳасида фаолият юритган кекса, нафақадаги ва фахрий устоз-мураббийларнинг ҳолидан хабар олиш ва уларни байрам билан табриклаш, марҳум устозлар руҳини шод этиш мақсадида уларнинг оилаларига ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос анъанадир.

Байрам тантаналари «Сиз



## УСТОЗЛАР — ЮРТНИНГ ЭНГ АЗИЗ, ЭНГ УЛУҒ ВА МЎЪТАБАР КИШИЛАРИДИР



шига даъват этадиган чинакам устоз сифатида фаолият юртишини ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Фарзандлар таълим-тарбияси, камолоти ҳақида қайғуриш халқимизнинг азалий фазилатларидан. Шу сабабли ўқитувчи ва мураббийлар юртимизда шарафли касб эгалари ҳисобланади.

Халқимизда «Ўқитувчи — миллат тарбиячиси», деб бежиз айтилмаган. Ўқитувчи бугун ўзи таълим бераётган шогирдининг камолоти ила келажакка пойдевор қўяди. Келажак фарзандларимизники, уларни комиллик ва камолот чўққисига эса ўқитувчи — устози бошлаб боради.

Доноларнинг айтишича, элли маърифат асрайди. Шундай экан, устозлар зиммасига келажак буюк давлатнинг комил, ҳар томонлама баркамол ворисларини етказиб беришдек юксак вазифа юкланган.

Юртбошимизнинг раҳнамолигида ўқитувчилар ва мураббийларнинг жамиятдаги обрў ва нуфузини мустаҳкамлаш, уларнинг шарафли меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Буни «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида белгиланган вазифалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳар йили республикада кенг нишонланган 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар кунини умумхалқ байрами ҳам таълим соҳасида меҳнат қилаётган фидойи инсонларга нисбатан давлатимиз ва халқимизнинг чексиз ҳурмати ва эҳтироми намунасида.

Халқимизнинг ўзига хос байрамларидан бирига айланиб улгурган ушбу шодиёнага тайёргарлик кўриш ва уни нишонлашни кўтаринки кайфият ҳамда юқори савияда ташкил этиш мақсадида қуйидагиларни тавсия этамиз:

ра суҳбатлари, илмий-амалий конференциялар, кўргазмалар ва ҳ.к.) режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

• байрам тадбирлари ўтказиладиган жойларга устоз-мураббийларни улғуловчи, таълим-тарбия тўғрисидаги ибратли сўзлар, байрам мазмунига мос шиорлар, юртимизнинг мустақиллик даврида эришган ютуқларини тарғиб этувчи лавҳалар, алломаларимизнинг ҳикматли сўзларини жойлаштириш;

• “Менинг устозим” мавзусида таълим соҳасида, эришган ютуқлари орқали таълим-тарбия жараёнига салмоқли ҳисса қўшаётган ўқитувчилар ва мураббийларнинг фото-стендини тайёрлаш ва ўрнатиш;

• Умумхалқ байрамига бағишланган тантанали йиғилишлар ўтказиш, туман, шаҳар ва вилоятларнинг марказий хиёбонларида халқ сайлларини ташкил этиш;

• меҳнат фаолияти даво-

дий, илмий кечалар, учрашув ва давра суҳбатлари кўринишида ҳам ўтказилиши байрам руҳига ўзгача файз бағишлайди.

Ўқитувчи ва мураббийлар

### Tavsiya



кунини байрами тантаналарига халқ таълими ходимлари, ёзувчи, шоирлар, санъаткорлар, ота-оналар, маҳалла фаоллари, «Маҳалла», «Устоз», «Олтин мерос» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, оммавий ахборот воситалари вакиллари, давлатимизнинг юксак мукофотлари ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган педагогларни, ўқувчилари халқро ва республика фан олимпиадалари ғолиби бўлган ўқитувчилар, «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танлови ғолиблари бўлган мураббийлар, таниқли олимлар, ўқитувчилар сулоласи, таълим

ни ва 12 йиллик таълим тизимига ўтиш якунлангани таҳлил этилган ҳолда унинг бугунги натижалари ҳақида ҳаётини мисоллар асосида тўхталиб ўтиш зарур.

Шунингдек, кейинги йилларда педагог ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш, ўқитувчилар меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида қабул қилинган қарорлар, аввало педагогларнинг профессионал малакасини, уларнинг изланиш ва ташаббускорлик фазилатларини юксалтиришга, ўқув-тарбия жараёнининг сифати ва самарадорлигини ошириш борасидаги ишларнинг аҳамияти хусусида фикр юритиш муҳим.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ҳар қандай одамнинг ҳавасини келтирадиган ўзлаб мактаблар, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, янги олий ўқув юртлари барпо этилгани, уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, жаҳон андозалари-

шундай буюксиз, муаллим», «Устоз сўзи мангу машъала», «Муаллим — жамият кўзгуси», «Устознинг марҳамати — қуёшдек ҳаммага тенг», «Ўқитувчи инсон руҳининг меъморидир», «Ўқитувчи ақл-заковат, меҳр-мурувват кўргонидир» каби шиорлар остида ўтказилиши мумкин.

Ўқувчилар ўртасида «Устоз отангдек улуғ», «Мен севган устоз», «Агар ҳаёт бўстон бўлса, боғбон муаллим» каби мавзуларда сахна кўринишларидан лавҳа тайёрлаш, ўқитувчи ва мураббийлар ўртасида эса «Иккинчи истеъдод» мавзусида таълим жараёнини акс эттирувчи расм ва фотокўргазмалар танловини ташкил этиб, унда ғолиб ва совриндорларни мукофотлашга эътибор қаратиш ҳам аҳамиятлидир. Шунингдек, байрам муносабати билан ўқитувчилар ва мураббийлар ўртасида уч босқичли спорт мусобақаларини (бадий гимнастика, сузиш (4x50 эстафетаси), ёзги биатлон, узунликка сакраш бўйича кўпкураш, шахмат-шашка) ташкил этиш;

ҳар бир ҳудудда болалар ижодий гуруҳларининг устозларга бағишлаб тайёрлаган концерт дастурларини намойиш этиш;

ҳудудлардаги чекка қишлоқларнинг ўқитувчилари учун жойларга чиқиб, «Очиқ эшиклар кунини»ни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Байрамни маънавий ва маърифий йўналишда ёки кўнгличар, эстетик завқ-шавқ олишга бағишланган (ўйинкулги, томошали тадбирлар) йўналишида ўтказиш, саёҳат ва сайилларга, музей ва муқаддас қадамжоларга ташриф уюштириш ҳам мумкин.

**Халқ таълими вазирлиги Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси, Республика Таълим маркази «Маънавий ва маърифий ишлар» бўлими**

### Тадбирни ўтказишда фойдаланиш мумкин бўлган ҳикматли сўзлар, шиор ва чақириқлар

Агарки дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир.

**Ислоҳ Каримов**

Устозлар — азиз юртнинг энг азиз, энг улуғ ва мўътабар кишиларидир.

**Ислоҳ Каримов**

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила, Айламак бўлмас адо, онинг ҳақин юз ганж ила.

**Алишер Навоий**

Ҳар нарса кўпайса, арзон бўлур, Билим кўпайса, қадри бўлур.

**Абдулла Авлоний**

Ўқув қайда бўлса, улуғлик бўлур, Билим қайда бўлса, буюклик бўлур.

**Юсуф Хос Ҳожиб**

Ўз шогирдларида меҳнатдан завқланиш хислатларини уйғота билган муаллим шарафларга лойиқ.

**Э.Хаббард**

Ҳар қандай таълим ва тарбияда энг асосий омил — муаллим, унинг тафаккур дунёсидир.

**А.Дистервег**

Davlatning iqtisodiy-ijtimoiy rivojlanishida soliqlarning o'rni beqiyos. Shu ma'noda farzandlar ongida soliq va soliq to'lovlari to'g'risida zarur tushunchalarni shakllantirish, ularning ahamiyati, soliq turlari va turli tushumlar haqida tasavvur hosil qilish — davr talabi. Umumta'lim maktablarida soliq va soliq to'lovlari to'g'risidagi maxsus o'quv dasturining joriy etilgani o'quvchilarning soliq to'lovlariga oid bilimlarni mustahkamlashda muhim omil bo'lmoqda. O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligi tomonidan Qoraqalpog'iston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligi, Toshkent shahar hamda viloyatlar xalq ta'limi boshqarmalari tasarrufidagi ta'lim muassasalarining noiqtisodiy yo'nalishdagi fanlarida Soliq va soliq to'lovlari to'g'risidagi ishlab chiqilgan maxsus o'quv dasturlarini o'qitish samaradorligini

takomillashtirish bo'yicha chora-tadbirlar rejasining tasdiqlangani esa mazkur maxsus o'quv dasturi mavzularining yanada takomillashuviga olib keldi. Tasdiqlangan rejaga muvofiq maxsus o'quv dasturi soliq organlarining mas'ul vakillari, psixolog-mutaxassislar hamda tajribali pedagoglar ishtirokida tubdan yangilandi, soliq tizimida amalga oshiriladigan o'zgarishlar bilan yangilab borish mexanizmi ishlab chiqildi.

Quyidagi test topshiriqlari umumta'lim maktablarida "Geografiya va iqtisodiy bilim asoslari fanlari oyligi" davom etayotgan ayni paytda 8-sinf o'quvchilarining soliq va soliq to'lovlariga oid bilimlarini oshirishda pedagoglar uchun samarali metodik qo'llanma bo'ladi, degan umiddamiz.

# IQTISODIY BILIM ASOSLARI

## 8-sinflar uchun "Soliqqa tortish asoslari" dan testlar

### 1. Soliq nima?

- A) Jismoniy va yuridik shaxslardan undiriladigan majburiy to'lov;  
B) kommunal xizmatlar uchun to'lov;  
D) transport xarajatlari;  
E) ixtiyoriy to'lov.

### 2. "Qo'shilgan qiymat solig'i" deb qanday soliqqa aytiladi?

- A) Iste'molchiga yetkazilgan tovar va xizmatlar qiymatidan undiriluvchi soliq;  
B) ishlab chiqarilgan tovar va xizmatlardan undiriluvchi soliq;  
D) korxonada undiriladigan soliq;  
E) ixtiyoriy to'lov.

### 3. Qo'shilgan qiymat solig'ini kimlar to'laydi?

- A) Ishlab chiqaruvchi;  
B) iste'molchi;  
D) tadbirkor;  
E) fermer.

### 4. Aksiz solig'i qanday mahsulotlardan olinadi?

- A) Tamaki va don mahsulotlaridan;  
B) spirtli va salqin ichimliklardan;  
D) o'simlik yog'i va sut mahsulotlaridan;  
E) tamaki mahsulotlari, spirtli ichimliklar, o'simlik yog'idan.

### 5. Ishlab chiqarishda foyda qay tartibda kafolatlanadi?

- A) Davlat tomonidan kafolatlanadi;  
B) tadbirkor tomonidan kafolatlanadi;  
D) ishlab chiqaruvchi tomonidan kafolatlanadi;  
E) kafolatlanmaydi.

### 6. "Tijorat" deganda nimani tushunasiz?

- A) Savdo-sotiq faoliyati;  
B) olib-sotish;  
D) ishlab chiqarish;  
E) xizmat ko'rsatish.

### 7. Moliyaviy tadbirkorlik nima?

- A) Aholi va korxonalarini favqulodda vaziyatlardan himoya qilish;  
B) pul va qimmatli qog'ozlar oldi-sotdisi bilan shug'ullanish;  
D) tovar va xizmatlarni ishlab chiqarish;

- E) tovar oldi-sotdisi bilan shug'ullanish.

### 8. Sug'urta nima?

- A) Aholi va korxonalarini favqulodda vaziyatlardan himoya qilish;  
B) pul va qimmatli qog'ozlar oldi-sotdisi bilan shug'ullanish;  
D) tovar va xizmatlarni ishlab chiqarish;  
E) tovar oldi-sotdisi bilan shug'ullanish.

### 9. Yalpi daromad solig'i nimadan to'lanadi?

- A) Umumiy xarajatdan;  
B) foydadan;  
D) umumiy tushum — daromaddan;  
E) qimmatli qog'ozlardan.

### 10. Yalpi daromad solig'i stavkasi qaysi davlat organi tomonidan belgilanadi?

- A) Oliy Majlis tomonidan;  
B) O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan;  
D) Davlat soliq qo'mitasi tomonidan;  
E) hududiy boshqaruv organlari tomonidan.

### 11. Mahsulot tannarxi nima?

- A) Bir dona mahsulot ishlab chiqarish uchun sarflangan xarajatlar;  
B) ishlab chiqarish hajmi bilan bog'liq bo'lgan xarajatlar;  
D) asosiy vositalarni sotib olish uchun sarflangan xarajatlar;  
E) amortizatsiya ajratmalari.

### 12. Soliq nima uchun undiriladi?

- A) Foyda olish uchun;  
B) korxonada xarajatlarini qoplash uchun;  
D) shaxsiy xarajatlarni qoplash uchun;  
E) davlat xarajatlarni qoplash uchun.

### 13. Sof foyda qanday aniqlanadi?

- A) Firma daromadidan soliqlarni ayirib tashlab;  
B) firma foydasidan soliqlarni ayirib tashlab;  
D) firma daromadidan xarajatlarni ayirib tashlab;  
E) firmaning ma'lum davrdagi

samaradorligiga qaraB)

### 14. Samaradorlik qanday aniqlanadi?

- A) samaradorlik = foyda : xarajatlar x 100;  
B) samaradorlik = daromad : xarajatlar x 100;  
D) samaradorlik = foyda : zarar x 100;  
E) samaradorlik = xarajatlar : foyda x 100.

### 15. Ishlab chiqaruvchi korxonalaridan qanday soliq turlari undiriladi?

- A) Daromad solig'i, aksiz solig'i;  
B) qo'shilgan qiymat solig'i, kommunal to'lovlar;  
D) yer solig'i;  
E) daromad solig'i, qo'shilgan qiymat solig'i, yer solig'i.

### 16. Aholidan olinadigan soliqlar quyidagilarning qaysi birida to'liqroq berilgan?

- A) Daromad solig'i, yer solig'i, elektr energiya uchun to'lov;  
B) qo'shilgan qiymat solig'i, kommunal to'lovlar;

- D) mol-mulk solig'i, ekologik soliq;  
E) daromad solig'i, mol-mulk solig'i, yer solig'i.

- D) mol-mulk solig'i, ekologik soliq;

### 17. Davlat budjeti nima?

- A) Davlatning daromad manbalari va ularning sarflanishi aks ettirilgan moliyaviy hujjat;  
B) davlat korxonalarining daromad manbalari va ularning sarflanishi aks ettirilgan moliyaviy hujjat;

- D) aholi daromad manbalari va ularning sarflanishi aks ettirilgan jadval ko'rinishidagi moliyaviy hujjat;

- E) aksiyadorlik jamiyatining daromad manbalari va ularning sarflanishi aks ettirilgan moliyaviy hujjat.

### 18. Davlat budjetining daromad manbalarini aniqlang:

- A) Davlat foydasi, tashqi iqtisodiy faoliyatdan, davlat mulkini sotishdan tushgan pul tushumlari;  
B) soliqlar, ijtimoiy transferlar, davlat

mulkini sotishdan tushgan pul tushumlari, aholidan, davlat tomonidan olingan qarzarlar;

D) soliqlar, tashqi iqtisodiy faoliyatdan, davlat mulkini sotishdan tushgan pul tushumlari, aholidan, davlat tomonidan olingan qarzarlar;

E) soliqlar, tashqi iqtisodiy faoliyatdan, tadbirkor mulkini sotishdan tushgan pul tushumlari, aholidan, davlat tomonidan olingan qarzarlar.

### 19. Davlat budjetidan nimalarga xarajat qilinadi?

A) Korxonalarini yangi jihozlar bilan jihozlash, ijtimoiy himoya, fan va ta'lim, sog'liqni saqlash, tashqi iqtisodiy aloqalar uchun;

B) ishlab chiqarish sohasini rivojlantirish, foyda olish, fan va ta'lim, sog'liqni saqlash, tashqi iqtisodiy aloqalar uchun;

D) tashqi iqtisodiy faoliyatni tartiblash, ijtimoiy himoya, fan va ta'lim, sog'liqni saqlash, tashqi iqtisodiy aloqalar uchun;

E) ishlab chiqarish sohasini rivojlantirish, ijtimoiy himoya, fan va ta'lim, sog'liqni saqlash, tashqi iqtisodiy aloqalar uchun ajratiladi.

### 20. Budjet kamomadi deb nimaga aytiladi?

A) Daromadlardan xarajatlarning kamligiga;

B) xarajatlarning daromadlardan oshib ketishiga;

D) budjetning xarajatlari va daromadlar tengligiga;

E) budjetdagi ortiqchalikka aytiladi.

### 21. Davlat qarzi bu...

A) Yillar davomida yig'ilib qolgan budjet kamomadining jami miqdori;

B) davlat xarajatlarning daromadlaridan kam bo'lgan holat;

D) davlatning bir yillik xarajatlari;

E) davlatning bir yillik daromadlari.

### 22. Egr soliqlarni kimlar to'laydi?

- A) Korxonalar;  
B) iste'molchilar;  
D) ishlab chiqaruvchilar;  
E) ta'minotchilar.

### 23. Soliq stavkasi nima?

A) Daromadidan undiriladigan majburiy to'lov;

B) soliq miqdorining soliq solinadigan jami summaga nisbati;

D) ishlab chiqaruvchi tomonidan to'lanadigan majburiy to'lov;

E) iste'molchi tomonidan to'lanadigan majburiy to'lov.

**Hurmatoy HOTAMOVA,**

**RTM iqtisodiy bilim asoslari metodisti, Nazokat DO'STMURODOVA, Toshkent shahridagi 11-maktab oliy toifali o'qituvchisi**

## ЮРТ МУДОФААСИ – МАРДЛАР МУДДАОСИ

Куни кеча Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида "Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик бўйича энг яхши таълим муассасаси" кўрик-танловининг 2010 йил якунлари ва голибларини тақдирлашга бағишланган тадбири бўлиб ўтди.

— Ёшларимизни элу юртга садоқат руҳида, ота-она, дўсту яқинларига хурмат-эътиборли қилиб тарбиялашда маъруз тадбирнинг алоҳида аҳамияти бор, — деди тадбир иштирокчиларидан бири Улуғбек Қодиров. — "Баркамол авлод йили" да мана шундай бирлаштирувчи, танловларнинг ўтказилиши айна муддаодир. Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, ҳарбийлар ҳаётига қизиқиш уйғотиш мақсадида уюштирилган ушбу кўрик анъанавий танловлар сирасига қўшилса, ажабмас.

Ўзбекистон Республикасининг "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида" ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Олий ва ўрта махсус таълим ва Халқ таълими вазирликларининг "Ча-

қирувга қадар бошланғич тайёргарлик бўйича энг яхши таълим муассасаси кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида" ги қарорига мувофиқ ташкиллаштирилган ўзига хос биринчиликнинг шаҳар ва туман bosqichida 53ta академик лицей ва 1327ta kasb-hunar kolleji қатнашди. Уларнинг орасидан фақатгина 180tasi viloyat bosqichiga йўланма oldi.

Мусобақанинг ҳал қилувчи баҳсларида эса 14та kasb-hunar kolleji ва академик лицей қатнашди. Кўрик-танловда ўқувчи ёшларнинг ЧҚБТ ўқув фани бўйича эгаллаган билим ва кўникмалари синовдан ўтказилди. Уларнинг назарий билимлари тест синов асосида аниқланди, гуруҳлар амалий жиҳатдан синалди, фан ўқуви

ташкिलлаштирилди ҳамда муассаса ўқув-моддий базасининг ҳолати ўқув дастурида кўрсатилган меъёрларга биноан баҳоланди.

Шундай қилиб, ёш авлод вакиллари талаблар даражасида ҳарбий хизматга тайёрлаш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, умумтаълим ва жис-

### Tadbir

моний тайёргарлигини ошириш, ёшларни олий ҳарбий билим юртларига ўқишга қиришга йўналтириш, шунингдек, соғлом турмуш тарзини кенг қўламда тарғиб қилиш мақсадида уюштирилган танловнинг республика bosqichida 1-ўринни пойтахтнинг Чилонзор туманидаги Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика коллежи жамоаси қўлга киритди. Уларга ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиғи, диплом ва эсдалик



совғалари ҳамда кўрик-танлов голиби учун аталган кўчма кубок тақдим этилди.

Танловда иккинчи ўринга лойиқ кўрилган Навоий шаҳар техника-иқтисодиёт kasb-hunar kolleji вакиллари раנגли телевизор, диплом ва фахрий ёрлиқ топширилди. Ўз жамоасининг муваффақиятига катта ҳисса қўшган бир гуруҳ устоз-мураббийлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус ҳамда kasb-hunar таълими

аълочиси кўкрак нишонига муносиб топилди.

Фахрли учинчи ўринни банд этган Наманган вилоятидаги Янгиер қишлоқ хўжалиги kasb-hunar kolleji жамоаси эса ташкилотчилар томонидан ажратилган эсдалик совғаси — DVD-плейер ҳамда фахрий ёрлиққа эга бўлди.

**Зоҳиджон ХОЛОВ,**  
**"Ma'rifat" муҳбири**  
**T.МАМАДАМИНОВ**  
олган сурат.

“Бор экану йўқ экан...”. Жумлани эшитиб, бегубор болаликка қайтгандек бўламиз. Жасур шаҳодлар, гўзал маликалар ва мўъжиза яратишга қодир сеҳргарлар олами... Унда эзгулик ҳамиша голиб. Эгри йўлдан борганларни эса муқаррар жазо кутади.

Эртактар болани ухлатиб кўйиш ёки беш-ўн дақиқа чалғитиш учун эмас, унинг борлиқ ҳақидаги тушунчаларига аниқлик киритиш, тарбиялаш, буюк ишларга ундаш, уни қийнаётган минглаб саволларга қаҳрамонлар тилидан жавоб бериш учун айтилади. Ота ёки онанинг навбатдаги ҳикоясини тинглар экан, бола яқинларининг меҳрини, гамхўрлигини ҳис қилади, ўзини руҳий жиҳатдан ҳимоялангандек сезади. Демак, ота-она фарзандига, унинг мурғак қалбини хавотирга солаётган ўй-хаёлларига бефарқ эмас.

### ШИҚИЛДОҚ ЁРДАМИДА КАШФ ЭТИЛГАН ОЛАМ

Биз катталар бирор масала юзасидан маълумотга эҳтиёж сезсак, уни қондиришнинг минглаб йўлларидан фойдаланишимиз мумкин. Интернет, китоблар, газета ва журналлар ёки соҳа мутахассисларига ёрдам сўраб мурожаат қилиш имконига ҳам эгамиз. Бироқ оламни эндигина англай бошлаган болалар бу борада фақат бобосию бувисига, ота-онасига таянади. Бола тасаввурдаги борлиқ, ҳодисалар, қонуниятлар ҳали бутунлай янги. Уни доимий равишда “нега шунақа?” деган савол безовта қилади. Гўдак ўзи учун тушунарсиз бўлган саволларга иложи борича тезроқ жавоб топишни, олам ҳақида кўпроқ нарса ўрганишни истайди.



Эндигина атак-чечак қилиб юра бошлаган болани кўз олдингизга келтиринг. Неча бор йиқилиб, оёқлари чалишиб, боши гурра бўлишига қарамасдан, у янги куч ва интилиш билан ўрнидан туриб, қатъият-ла ўз мақсади сари интилади...

Яна бир мисол: беланчакада ётган чақалоқ шиқилдоғини отиб юборадиган одат чиқаради. Бу унинг беланчақадан ташқаридаги ҳаётнинг қандай эканлиги, у ерда нималар борлиги билан қизиққанидан далолат. Албатта, боланинг ақлий ривожланишида бу каби “ташаббус”ларнинг ота-она томонидан қўллаб-қувватланиши жуда ҳам зарур. Шунинг ёдда тутишимиз керакки, болага ниманидир ўргатиш чоғида ёки бирор муҳим фикрни айтаётганда, унинг қабул қилиш даражасини ҳисобга олишимиз, гапларнинг тушунарли, таниш ва аниқ бўлишига эътибор қаратишимиз керак. Кичик одам бизни яхшироқ тушу-

ниши учун, унга кичиклар тилида гапирганимиз маъқул, шундай эмасми?

### УЧ БОШЛИ АЖДАР — АФСОНА ЭМАС

Қадим замонларданок эртактар фарзанд таълим-тарбиясида муҳим ва ўзига хос босқич ҳисобланиб келган. Соҳа мутахассисларининг фикрича, уларнинг сюжети минг йиллар давоми-

да деярли ўзгаргани йўқ. Олима М.Францнинг таъкидлашича, эртактар “маданий ва ирқий тафовутлардан холи, шу сабабли бир ҳудуддан иккинчисига осон кўчиб ўтади. Уларни бутун инсоният, турли ёш ва миллат вакилларино боғлаб турувчи ягона сўзлашув воситасига қиёслаш мумкин”.

— Эртактар ва ривоятларда рамз ва тимсоллар орқали ҳаётини ҳақиқатлар, маълум бир халққа хос урф-одатлар акс этади, — дея таъкидлаган эди ХХ асрнинг буюк файласуфларидан бири Э.Фромм. Ҳикоялар, айниқса эртактар ҳамма замонларда ҳам болалар билан мулоқот қилишнинг энг самарали усули ҳисобланган. Улар асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб, турли халқлар маданиятининг муҳим ва ажралмас бўлагига айланиб боради. Энг сара ва таъсирчан эртактаргина замонлар силсиласидан ўтиб, сизу биз яшаётган бугунги кунгача сақланиб келмоқда. Бу гаройиб ҳикоялар замирида аждодлар тажрибаси, улар бошидан кечирган воқеалар, ҳис-туйғуларининг бадиий, бир вақтнинг ўзиде болалар учун тушунарли ифодаси ётади. Уч бошли аждар аслида нафс ёки маккорлик тимсоли бўлиши мумкин. Тўғри, 4 ёшли гўдакка буни тушунтиришнинг иложи йўқ, аммо бу боланинг “яхши” ва “ёмон” ўртасидаги фарқни англаб олиши учун тўсиқ бўла олмайди.

Шундай қилиб, бола дунёнинг мураккаблиги, унда ноҳақликлар ҳам бўлиши,

### Qadriyat

шодлик, ишонч ва орзу сингари, кўркун, афсус ва армон ҳам турмушимизнинг бир қисми эканлигини аста-секин англаб боради.

### ЭРТАК ТИНГЛАБ, ЯШАШНИ ЎРГАНАМИЗ

Ҳамма эртактарда ҳам бола билиши зарур бўлган ва борлиқни англашда муҳим ҳисобланган тушунча ва ҳодисалар акс этади. Масалан, “Ур тўқмоқ”да ҳалоллик, тўғрисиўзлик ва меҳр-оқибат улуғланган бўлса, шолғом ҳақидаги эртакта бирдамликнинг кучи тараннум этилади.

Эртактарнинг энг асосий ютуғи, уларнинг позитив қувват манбаи эканлигидадир. Яъни, у ижобий ҳис-туйғуларни юзага чиқаради. Тушкунликка тушмасдан, мақсад сари олға борган, ўз орзуларидан воз кечмаган ва қийинчиликларни синов деб қабул қилган инсон ал-

батта галабага эришиши керак. Ҳар қандай эртактар мана шу ғоя асосига қурилади.

Эртактарни тинглар экан, бола руҳиятида бир қарашда сезилмайдиган, аммо муҳим ўзгаришлар содир бўлади. Тингловчи ҳикоя қилинаётган воқеаларни беихтиёр ўз ҳаёти билан боғлайди, муаммоларни енгишда ижобий қаҳрамонлар тажрибасини қўллашга ҳаракат қилади. Зеро, тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, болаларга тақлид қилиш учун икки хил: ижобий ва салбий предмет кўрсатилганда, улар албатта, биринчисини маъқул кўради. Шунинг учун, болалар ижобий хусусиятга эга бўлган ва шу йўл билан ўз мақсадларига эришган эртактар қаҳрамонига ҳар томонлама ўхшашни истайди.

Эртактар фақат ақлий салоҳиятни юксалтириш ёки ибрат намунаси вазифасини ўтабгина қолмасдан, шахснинг ахлоқий ва руҳий тарбиясида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Масалан, “Тасқара ўрдакча” эртагида ҳеч қандай ғайриоддий қучлар ёки сеҳрли воқеалар тилга олинмаган. Бироқ, у яхшиликка умид боғлаб яшашга ўргатади.

Европада ҳам XVIII асргача катталар орасида эртактарни аниқлаш бўлган. Ўша даврларда эртактар тинглаш одамларнинг маънавий эҳтиёжига айланган эди. Худди ҳозир катталар экран қаршисига “михланиб” томоша қиладиган сериаллар каби...



### “ЯНА БИТТА ЭРТАК АЙТИБ БЕРИНГ!”

Фарзандингиздан уни қийнаётган муаммолар ҳақида сўрасангиз, у гапиршни хоҳламаслиги, жавоб беришдан қочиши мумкин. Эртактар воситасида эса болангизни ташвишлантираётган муаммолар ҳақида билиб олишингиз осонроқ кечади. Ундан қайси эртактарни эшитишни хоҳлаётганини сўранг. Болалар кўп ҳоллар-

фикрлаши ва тасаввур қилиши учун эҳтиёж йўқ. Улардан фарқли равишда эртактар 25-кадр ёрдамида бирор ғояни бола онгига мажбурлаб сингдира олмайди. Бола ўзи истаган ва лозим топган қисмларнигина ўзлаштиради, қаҳрамонларнинг шакл-шамойили ҳақида мустақил хулоса чиқаради. Унинг руҳияти ва ҳаёлот дунёсига ҳеч ким дахл қила олмайди.

Ижодий қобилиятни ривожлантиришда эртактарнинг аҳамияти ҳақида сўзлар экан, рус адиби К.Чуковский “Ақли расо ва ҳушёр одамлар бугунги кунга, ҳаёл суришга қодир бўлганлар эса келажакка эгалик қилади”, деган эди.

Айрим ота-оналар эртактар сўзлаётганда, бирйўла унинг мазмун-моҳиятини ҳам баён этишга ҳаракат қилишади. Бу чайналган ошни бола оғзига солиш билан баробар. Ҳар бир бола ўз қобилияти ва ақлий имкониятлари даражасига қараб эртактар мустақил хулоса чиқаргани маъқул.

Эртактарни ўзгартирмоқчи, унинг сюжетида янгиликлар киритмоқчи бўлганлар янада каттароқ хатога йўл қўйишади. Ҳикоянинг асл мазмуни ўзгартириш, у болага салбий таъсир этиши ҳам мумкин. Германиялик эртактаршунос олима Каролина фон Гейдебрант бу хусусда қуйидагича фикр билдиради: «Қизил Қалпоқча ҳақидаги эртактарни бошқача талқинда, гўё, бўри қизча ва унинг бувисини ютиб юбормасдан, улар билан тинчгина бир стол атрофида овқатлангани ҳақида сўзлаш — бола қалбини англамаслик белгисидир. Бу бутун бир эртактар маъносини пучга чиқаради».

### ... ВА ОМАДЛИ ХОТИМА

Эртактарни севган бола аста-секинлик билан уларни ўзи, мустақил ўқишга ҳаракат қила бошлайди, бу эса унинг бадиий асарлар дунёсига кириб бориши учун яхши туртки вазифасини ўтайди. Бола томонидан тушунилган ва қабул қилинган эртактар уни бошқа адабий жанрларга доир асарларни ўқиш ва ўқишга тайёрлаб боради.

Эртактар — инсон қалбига йўл бошловчи харита. У бизни табиат қонунларини бузмаслик, тўғри ҳаёт кечириш ва эзгу ишлар сари ундайди.

Висола ҚАРШИБОВА,  
“Ma'rifat” мухбири

# ЭРТАК — БАХТЛИ ҲАЁМТА ЙЎЛАК

# ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ИСТИҚЛОЛ КЎЗГУСИДА

## 1991

■ **Вилоятдаги жами мактаблар сони** — 714та. Шундан: замонавий типдаги — 403та; мослаштирилганлари — 264та; авария ҳолатидаги — 47та.

■ **Мактабларнинг моддий-техник базаси:** дарсликлар таъминоти — 83,2 фоиз; ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 31 фоиз; компьютер ва ахборот технологиялари билан таъминланганлиги — 12 фоиз; мебель жиҳозлари билан таъминланганлиги — 79 фоиз.

■ **Вилоятдаги болалар спорти объектлари:** спорт залига эга мактаблар сони — 297та; болалар спорти объектлари сони — 9та; болалар спорти объектларининг спорт анжумлари ва усқуналари билан таъминланганлиги — 47 фоиз; ёшларнинг оммавий спортга қамраб олинганлиги — 41,3 фоиз.

■ **Вилоятдаги мусиқа ва санъат мактаблари сони** — 16та. Шундан: замонавий типдаги — 2та; мослаштирилганлари — 14та.

■ **Вилоятдаги ҳунар-техника билим юртлари сони** — 26та. Шундан: замонавий типдаги — 6та; мослаштирилганлари — 17та; авария ҳолатидаги — 3та.

■ **Ўрта махсус таълим муассасалари моддий-техник базаси:** ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 60 фоиз; компьютер ҳамда ахборот технологиялари билан таъминланганлиги — 45 фоиз; мавжуд техника воситалари сони — 185та.

■ **Ўрта махсус таълим муассасаларининг кадрлар билан таъминланганлиги:** педагоглар ва муҳандис-педагоглар умумий сони — 1036 нафар. Шундан: фан номзодлари — 1 нафар; олий маълумотли ўқитувчилар — 950 нафар.

■ **Ўрта махсус таълим йўналишлари бўйича мутахассисликлар умумий сони** — 14та.

■ **Ҳунар-техника билим юртларига қамраб олинган ўқувчилар умумий сони** — 11710 нафар.

■ **Вилоятдаги олий таълим муассасалари сони** — 1та. **Термиз давлат педагогика институти** ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 20 фоиз; компьютер билан таъминланганлиги — 12 фоиз.

■ **Профессор-ўқитувчилар сони** — 440 нафар. Шундан: фан докторлари ва профессорлар — 20 нафар; фан номзодлари ва доцентлар — 105 нафар; талабалар умумий сони — 781,1 нафар; мутахассисликлар умумий сони — 1та; касблар умумий сони — 10та.

## 1992 1993 1994 1995 1996 1997 1998 1999 2000 2001 2002 2003 2004 2005 2006 2007 2008 2009

### Умумий ўрта таълим



● Истиқлол йилларида вилоят халқ таълими тизимида жами 222 нафар ўқитувчи давлат мукофотлари билан тақдирланган. Шундан 23 нафари «Халқ ўқитувчиси», 25 нафари «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими», 24 нафари «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси», 1 нафари «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози», 1 нафари «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими», 2 нафари «Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси», 4 нафари «Эл-юрт хурмати» ордени; 12 нафари I даражали, 17 нафари II даражали «Соғлом авлод учун», 14 нафари «Меҳнат шухрати» ордени, 99 нафари «Шухрат» медалига сазовор бўлди.

● «Илмининг энг яхши мактаби - 2004» кўрик-танловининг республика босқичида Денов туманидаги 1-мактаб 3-ўринни кўлга киритди. 2005 йили Шеробод туманидаги 17-мактаб мазкур танловнинг «Ташаббускор раҳбар ва жамоа», 2006 йили Термиз туманидаги 2-мактаб «Энг тадбиркор мактаб» номинацияси совриндори бўлди.

● «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танлови республика босқичида Шўрчи туманидаги 8-мактабнинг «Баҳор қалдирғочлари» фольклор дастаси олий ўринга лойиқ деб топилди.

● «Энг яхши Меҳрибонлик уйи - 2006» кўрик-танловида 12-Меҳрибонлик уйи жамоаси I даражали диплом билан тақдирланди. «Энг намунали касб-ҳунар йўналиштирилган психологик-педагогик ташхис хизмати» кўрик-танловида эса Термиз туманидаги 11-мактаб жамоаси 3-ўринни кўлга киритди.

● «Талантларни излаймиз - 2009» кўрик-танловида вилоятнинг 8 нафар мусиқа фани ўқитувчиси муваффақиятли иштирок этиб, олий ўринни кўлга киритди.

● «Сиз тарихни биласизми?» кўрик-танловининг республика босқичида Музработ туманидаги 44-мактаб ўқувчилар жамоаси олий ўринни эгаллади. «Президент асарлари билимдони» кўрик-танловида Узун туманидаги 20-мактаб ўқувчиси Дилноза Эргашева 1-ўрин соҳибаси бўлди.

● Кумкўргон туманидаги «Биозкосан» ўқув-услубий маҳмуаси «Табиат — ёшлар нигоҳида» республика кўрик-танловида 1-ўринни кўлга киритди. Денов туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернати жамоаси «7х7» ёки «Уйла, изла, топ!» республика телевизион интеллектуал йўналишида олий ўринни эгаллади. «Энг яхши китобхон - 2007» кўрик-танловининг республика босқичида Жаркўргон туманидаги 5-мактабнинг 9-синф ўқувчиси М.Абдусаломова 2-ўринга лойиқ деб топилди.

● «Янги авлод - 2009» республика болалар ижодиёти фестивалида 3 нафар ўқувчи ўз йўналишида олий мукофот — «Гран-при»ни кўлга киритди. Шунингдек, ушбу танловда яна 16 нафар ўқувчи турли йўналишларда I-даражали диплом билан тақдирланди.

● Жорий йил «Жаҳон халқ оғзаки ижоди билагонлари» республика кўрик-танловида Шеробод туманидаги 56-мактабнинг «Хумо» жамоаси 1-ўринни кўлга киритди.

● «Камалак жилоси» республика расмлар кўрик-танловининг амалий санъат йўналишида 12-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси, 3-синф ўқувчиси Сугдиёна Содикова I-даражали диплом соҳибаси бўлди.

● 2010 йил мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчиларининг академик чоғлар ва эстрада ижрочилиги республика кўрик-танловида Жаркўргон туманидаги 5-мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Севара Шамсуддинова биринчи, шу мактабдан Ислоом Озодов ва Термиз шаҳридаги 2-мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Дилдора Сафарова учинчи ўринга сазовор бўлди.

### Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими

● 2009 йили Денов педагогика коллежи ўқувчиси Феруза Султанонова спортнинг самбо ва дзю-до турлари бўйича Ўзбекистон чемпионлигини кўлга киритди.

● Термиз олимпия захиралари коллежи ўқувчиси Дилдора Бердимуродова «Келажак овози» кўрик-танловининг республика босқичи голибига айланди.

● 2009 йили Термиз педагогика коллежи ўқувчиси Н.Худойбердиева Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаси бўлди.

● «Энг обод таълим муассасаси» кўрик-танловининг республика босқичида Термиз давлат университети қошидаги 2-академик лицей жамоаси фахрли 3-ўринни эгаллади.

● Самарқанд шаҳрида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўртасида ўтказилган «Барҳаёт анъаналар — 2010» фольклор жамоалари фестивалининг минтақавий босқичида Олтинсой педагогика коллежининг «Қалдирғоч» бадийи жамоаси фахрли 1-ўринни кўлга киритди.

● «Наврўз» байрами муносабати билан ташкил этилган «Наврўз ва қадриятлар» мавзусидаги иншолар кўрик-танловининг республика босқичида Музработ ижтимоий педагогика коллежи ўқувчиси Хадича Эргашева 2-ўринни эгаллади.

● Жорий йил ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида ташкил этилган «Солиқ биллимлари — болаларга» кўрик-танловининг республика босқичида Термиз иқтисодий касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Фаррухбек Жўраев «Компьютер тақдироти» номинациясида 3-ўринни кўлга киритди.



### Олий таълим

● Термиз давлат университети Жанубий Кореянинг Сун Мун, Кеимюннг ва Кенг-Бук, Германиянинг Бонн ва Мюнхен, Малайзиянинг Мульти-медиа ва Мара, Чехия Республикасининг Карлова, Ҳиндистоннинг Дехли университетлари ҳамда Россия Фанлар академияси Этнология институти, Санкт-Петербург физика-технология институти ва Москва давлат университети, Киев давлат университети, Страсбург университети, шунингдек, Туркия, Япония, Канада, Австралия сингари давлатларнинг олий таълим муассасалари ва илмий марказлари билан ҳамкорлик шартномасига асосан, илмий-педагогик алоқаларни ўрнатди.

● 45 нафардан зиёд олим ривожланган давлатларда ўз малакасини ошириб, илмий маърузалари билан қатнашди.

● Университет профессор-ўқитувчиларидан 17 нафари ҳамда талабаларнинг 4 нафари Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси совриндори сифатида хорижий мамлакатларда малака ошириб қайтди.

● Кейинги йилларда университетда 65та дарслик ва ўқув қўлланмаси, фаннинг долзарб муаммоларига бағишланган 900дан зиёд илмий мақолалар яратилиб, чоп этилди.


● Термиз давлат университетида 2 нафар Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибси, 2 нафар Навоий номидаги, 2 нафар Мирзо Улугбек номидаги, 1 нафар Беруний номидаги республика ва 2 нафар Менделеев номидаги халқаро стипендия совриндори тахсил олмоқда.

● Университетнинг «Жайхун» фольклор-этнографик ансамбли олий ўқув юртлари талабаларининг «Барҳаёт анъаналар» фестивалида муваффақиятли иштирок этиб, фестиваль совриндори бўлди ва хориж сафарига йўллангани кўлга киритди.

● Термиз давлат университети талабаларидан Хусан Ҳасанов самбо бўйича жаҳон чемпиони, Анвар Ўлжаев кураш бўйича Осиё чемпиони, Зебо Давлатова 11 марта Ўзбекистон, 1 марта Осиё чемпиони, Азиз Бўриев каратэ бўйича Ўзбекистон чемпиони, Нуриддин Ортиқов кураш бўйича Ўзбекистон чемпиони, Зокир Кулов каратэ бўйича 3 карра Ўзбекистон чемпиони саналади.

● «Универсиада - 2007» спорт мусобақаларида футбол бўйича университет терма жамоаси 2-ўринни кўлга киритди. Шунингдек, мазкур мусобақада сурхондарёлик спортчи-талабалар турли йўналишларда 4та кумуш ва 6та бронза медалига сазовор бўлди.

### СУРХОНДАРЁ



### Болалар спорти

● 2006 йили Музработ туманидаги 14-мактаб ўқувчилари «Кувноқ стартлар» спорт мусобақаларида фахрли 1-ўринни эгаллади.

● «Умид ниҳоллари - 2006» спорт мусобақаларида вилоят спортчи ўқувчилари 4та кумуш, 10та бронза медалини кўлга киритди.

● Шеробод туманидаги 2-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Камол Эшалиев Кикбоксинг бўйича жаҳон чемпиони бўлди.

● Буюк Британияда бўлиб ўтган кураш бўйича Президент Ислоом Каримов халқаро турнирида Музработ туманидаги 31-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Омонгелди Эргашев 65 кг. вазн тоифасида олтин медалга сазовор бўлди.

● Футбол мактаб-интернатлари ўқувчилари ўртасида ўтказилган республика чемпионатининг гуруҳ баҳсларида 1993-1994 йилларда туғилган ўқувчилар ўртасида Термиз ва Денов, 1991-1992 йилларда туғилган ўқувчилар ўртасида Кумкўргон футбол мактаб-интернати жамоалари 1-ўрин соҳибси бўлди.

● Шотакан Каратэ-до бўйича ёшлар ва катталар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатида 9та олтин, 4та кумуш ва 8та бронза медали сурхондарёлик ўқувчиларга насиб этди.

● Республика ва халқаро миқёсдаги спорт мусобақаларида вилоят ўқувчилари 20та олтин, 25та кумуш ва 39та бронза медалини кўлга киритди.

● «Умид ниҳоллари - 2009» мусобақаларининг республика босқичида кўл тўпи бўйича вилоят терма жамоаси иккинчи ўрин соҳибси бўлди.

● Спорт гимнастикаси ва бадий гимнастика бўйича Ўзбекистон махсус Олимпиадасининг очик халқаро мусобақасида Шўрчи туманидаги 68-махсус мактаб-интернати ўқувчилари 1та олтин, 5та кумуш ва 5та бронза медалига лойиқ деб топилди.

● Каратэ бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида Тошкент шаҳар кубоги ва очик чемпионатида сурхондарёлик ўқувчилар томонидан 3та олтин, 2та кумуш ҳамда 6та бронза медал кўлга киритилди.



## 2010

■ Вилоятдаги жами мактаблар сони — 850та. Шундан: замонавий типдаги — 21та; капитал реконструкция қилинганлари — 233та; капитал таъмирланганлари — 364та; жорий таъмирланганлари — 232та.

■ **Мактабларнинг моддий-техник базаси:** дарсликлар таъминоти — 97,2 фоиз; ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 77,6 фоиз; компьютер технологиялари билан таъминланганлиги — 76 фоиз; мебель жиҳозлари билан таъминланганлиги — 87 фоиз.

■ Вилоятдаги болалар спорти объектлари: спорт залига эга мактаблар сони — 441та; болалар спорти объектлари сони — 20та; болалар спорти объектларининг спорт жиҳозлари ва усқуналари билан таъминланганлиги — 86 фоиз; ёшларнинг оммавий спорт тадбирларига қамраб олинганлиги — 75,9 фоиз.

■ Вилоятдаги мусиқа ва санъат мактаблари сони — 16та. Шундан: замонавий типдаги — 2та; мослаштирилганлари — 14та (2010-2014 йиллар давомида мавжуд мактаб бинолари янги қурилиш ҳамда капитал реконструкциялаш натижасида янгиланади).

■ Вилоятдаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари (академик лицей, касб-ҳунар коллежлари) сони — 108та. Шундан: замонавий типдаги — 108та. Академик лицейлар сони — 5та. Касб-ҳунар коллежлари сони — 103та.

■ **Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари моддий-техник базаси:** ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 87 фоиз; компьютер ҳамда ахборот технологиялари билан таъминланганлиги — 90 фоиз; мавжуд техника воситалари сони — 348та.

■ **Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг кадрлар билан таъминланганлиги:** педагоглар ва муҳандис-педагоглар умумий сони — 7406 нафар. Шундан: фан докторлари — 8 нафар; фан номзодлари — 29 нафар; олий маълумотли ўқитувчилар — 7062 нафар.


■ **Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича мутахассисликлар умумий сони** — 102та.

■ **Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига қамраб олинган ўқувчилар умумий сони** — 125026 нафар.

■ Вилоятдаги олий таълим муассасалари сони — 1та. **Термиз давлат университети:**

ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 70 фоиз; компьютер билан таъминланганлиги — 87 фоиз.

■ **Профессор-ўқитувчилар** — 579 нафар. Шундан: профессорлар — 25 нафар; фан докторлари — 23 нафар; фан номзодлари — 155 нафар; аспирантлар — 13 нафар. Талабаларнинг умумий сони — 8300 нафар. Мутахассисликларнинг умумий сони — 30та.



Эрталаб юмуш билан кўчага чикдим. Кўп қаватли уйларнинг пастки йўл четини доимий «савдо нуқтаси»га айлантириб олган пистачи амаки ўз маҳсулотларини тартибга солиш билан банд эди. Шу пайт 6-7 ёшдаги бола амакининг ёнига келиб 500 сўм узатиб сигарета сўради. Ўтиб кетаётган бу ҳолат беихтиёр эътиборимни тортди. Сотувчи сигарета излаб стол тагига энгашиганидан фойдаланиб, секин болакайнинг ёнига бордим-да, сигарета кимга эканлигини сўрадим. У безътибор «дадамга» деди. Кизиқш билан болакайни суҳбатга тортдим.

— Нега даданг сени юборди?

— Улар чарчаган, дам олаяптилар.

— Лекин ёш болаларга сигарета сотилмайди, шуни биласанми?

Бу суҳбатимиздан сергакланиб қолган сотувчи амаки дарҳол пулни болага қайтариб берди:

— Бор, айт, дадангнинг ўзи келсин.

— Нега? Доим ўзимга берардингиз-ку, беравермайсизми? — эътироз билдирди бола.

Бу ҳолатнинг нима билан тугаши мени жуда кизиқтирди ва «савдо нуқтаси»дан узоқлашмай кузатишда давом этдим. Жаҳли чиққан болакай «бўпти» деганча уйига югурди. Бироздан сўнг кўпқаватли уй деразасидан белигача энгашиб олган ота «Беравермайсизми, ўзим айтгандим!», деб баралла қичқирди. Вазиятнинг ўзи томонга яхшиланганидан хурсанд бўлган амаки кўли билан «майли» ишорасини қилиши билан бир зумда пайдо бўлган болакай сигарета қутисини кўтарганча уйи томон югуриб кетди.

Бу ҳолат мени анча таажжубга солди ва сотувчига юзланиб савол бермоқчи бўлдим, аммо амаки саволимни ҳам кутмасдан жавобга ўтди.

— Кўрмайсизми, катталарнинг ўзлари пул бериб жўнатишади, бермасанг яна хафа ҳам бўлишади, — деди ўзини оқлаган киши бўлиб.

Афсуски, бу каби салбий ҳолатлар кундалик ҳаётимизда кўп учрайди. Биринчи синфга бориб ё бормаётаси ва катталарга сигарета ташиган бу каби болакайларнинг бора-бора тамакига бўлган кизиқиши ортиши, албатта, табиий. Кейин эса катталардан бекиниб пана-пастқамларда сигарета қолдиқларини лабига қистириб катталарга тақлид ҳам қилишади. Хоҳлайсизми-йўқми, бугун биз ота-оналарнинг бола тарбиясида керакли билимга эга эмаслигимиз ва айрим «кўча сотувчилари»нинг ҳам савдо маданиятидан мутлақо йироқ эканлиги аниқ кўриниб қолмоқда. Ваҳоланки, сигарета қутисидан «Вояга етмаган шахсларга тамаки маҳсулотини сотиш тақиқланади» деб ёзиб қўйилган.

Хаёл билан бўлиб вақт ўтганини ҳам

кўз ўнгида муҳрланиб, унинг онгида бу ҳолатга кўникиш ҳосил қилади. Кўпқаватли уйлар балкони чекиш хонасига айлантирган оталар ва баъзи оналарнинг тамаки маҳсулотларини чекишлари, ўзлари билмаган ҳолда болага ўртак бўлиб қолмоқда. Кўпинча чекаётган кишидан кўра ёнидагилар тамаки тутунидан кўпроқ заҳарланади. Сигарета қутиларига эътибор бериб қарасангиз, «Чекиш сиз ва атрофдагиларнинг саломатлигига жиддий зарар етказди» ёки «Болаларни тамаки тутунидан асранг», деган ёзувга кўзимиз тушади. Буни қарангки, бу ёзувларни кўриб ҳам унга амал қилмаётганлар талайгина.

## БОЛА ТАРБИЯСИ

унда савдо маданияти ва оила ибратининг ўрни муҳим

сезмай қолибман. Бу пайтда мактабга, боғчага йўл олган болалар бирин-кетин харид учун кела бошлади. Кўли кўлига тегмай савдога киришган амаки менинг борлигимни буткул унутди. Вазиятдан фойдаланиб, амакининг сохтаётган маҳсулотларига бир-бир назар соламан. Писта дейсизми, курутми, сигаретанинг турли хилларидан тортиб ишлаб чиқариш маркаси ва амал қилиш муддати маълум бўлмаган, ялтироқ қоғозга ўралган ширинликларгача бисёр. Ёш болаларнинг хархашасидан безиган ота-оналар эса улар кўрсатган ушбу ширинликлардан харид қилишмоқда. Бирор-бир ёрликча эга бўлмаган бу турдаги сифатсиз маҳсулотлар бола саломатлигига жиддий таъсир этмайди, деб ким кафолат беради?

### ҚУШ УЯСИДА КЎРГАНИНИ ҚИЛАДИ

Бола табиятан ҳар қандай воқеликни теран anglashga ҳаракат қилади. Унинг ёнида катталар томонидан қилинган хатти-ҳаракат борки, унга тақлид қилишга уринади. Албатта, бола илк тасаввурини оиладаги муҳитдан олади. Оилада ота ёки онанинг чекиши бола

«Ўйин-ўйин» ўйнаётган болаларнинг рўқча ёки қаламини оғзига солиб «Мен дадаман, қара, сигарета чекаёпман, дадалар сигарета чекиши керак» деган сўзларини эшитамизу, лекин унга аҳамият бермаймиз. Чунки оталарнинг сигарета чекиши биз катталар учун ҳам одатий ҳолга айланиб улгурган. Бу тарзда ўсаётган бола, албатта, ота сигарета чекиши керак, деган тушунча билан улғаяди.

Яна бир жиҳат борки, бу телевидение орқали намойиш этилаётган мультфильм қаҳрамонларининг, масалан, болалар севиб томоша қиладиган «Сеними, шашмай тур» мультфильмидаги бўрининг тинмай сигарета чекиши ёки клип ва кинофильмларда ҳам сигарета чекилаётган лавҳаларнинг кўплигидир. Бу ҳолатлар бўш вақтини асосан телевизор қаршида ўтказиётган бола онгида «чекиш ижобий ҳолат» деган фикрни уйғотиши ҳақиқатга анча яқин, шундай эмасми? Чет эл сериалини томоша қилиб ўтирган қизалоқ сериалдаги аёл қаҳрамоннинг тинмай тамаки тутатишини кўриб онасига «аёл кишилар ҳам сигарета чекаса бўлар экан, қаранг», дея муурожаат қилиши — бу ҳолат болалар руҳиятига нечоғли таъ-

### Dolzarb mavzu



сир ўтказиётганидан далолат эмасми? Албатта, бу каби таъсир остида улғаяётган бола эртага балоғат ёшига етганда тамаки маҳсулотини татиб кўришга ўзида иштиёқ сезади. Қуш уясида кўрганини қилади, деганларидек, бола тарбияси ҳам уйдан, оиладан, атрофдаги муҳитдан бошланади.

### МАЪЛУМОТ ЎРНИДА

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотида қараганда дунёда 1,2 млрд. нафардан зиёдроқ кашанда бўлиб, сурункали чекиш орқали келиб чиқадиган касалликлардан йилига 5 млн. атрофида одамлар вафот этади. Кашандалик натижасида ўпка сили, ошқозон-ичак раки, юрак хуружи каби жиддий касалликлар келиб чиқиши мумкинлигини кўпинча ёшларимиз билмас ҳам керак. Бу салбий оқибатларни ёшлар ҳаётидан қай тарзда олиб чиқишимиз мумкин? Бу йўлда, энг аввало, ҳар биримиз ўз оиламиздаги муҳитни яхшилашимиз лозим.

Мурғак қалб эгасини сигаретага «чоптиришдан» олдин оталар: «Бугун мен учун сигарета харид қилган болам, эртага ўзи учун ҳам сотиб олиши мумкин-ку?!» деб бир ўйлаб кўрса, яхши бўлар эди. Ёки роҳатланиб сигарета тутатаётган киши уни тинимсиз кузатиб турган қорақўз болакайларига назар ташласа, бу иллатнинг қанчалик «кўзга кўринмас душман» эканлигини англаб етади.

Фарзандларимизни ёт иллатлардан, носоғлом муҳитлардан ҳимоя қилмоғимиз, жисмонан ва ақлан етук қилиб вояга етказишимиз — бу Ватанни асрашга қўйилган илк қадам саналади.

Шу ўринда, «Баркамол авлод йили» давлат дастури доирасида 20 ёшгача бўлган болаларга тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликлар сотилишини чеклаш тўғрисида Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, ёшлар ўртасида кенг қўламли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, уларни спорт-соғломлаштириш тадбирлари орқали жисмонан ва маънан соғлом қилиб тарбиялаш масаласига алоҳида урғу берилганлигини таъкидлаш ўринли. Бу эса сизу бизни ҳам сергакликка ундаш лозим.

Феруза ХОЛМУРОВА

## КЕЛАЖАККА КЎПРИК

Инсон ва жамият тарихи, маданий мерос, қадриятлар тўғрисида сўзлагувчи ҳар бир ҳужжат бебаҳо бойликдир. Ушбу хазинани кўз қорачигидек асраш, келгуси авлодларга етказиш орқали уларнинг чуқур тадқиқ этилиши ва келажак учун зарур хулосалар чиқарилишида архив идораларининг аҳамияти катта. Таъкидлаш жоизки, айна пайтда мамлакатимиздаги мавжуд 102 та давлат архивида 8 млн.дан ортиқ Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондининг XIII асрдан ҳозирги давргача бўлган архив ҳужжатлари кўз қорачигидек сақланиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги сўнгги йилларда ўндан ортиқ етакчи мамлакатлар билан халқаро алоқаларни йўлга қўйган бўлиб, бу юртимизда архив иши ва уни юритишни жаҳон андозалари даражасига олиб чиқишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Соҳадаги эътиборли воқеалардан яна бири, «Ўзархив» агентлиги ўтган йили 190 мамлакатнинг 1400дан ортиқ аъзосини бирлаштирган Халқаро Архивлар кенгашига аъзо бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 августдаги «Корея Республика-

си ҳукумати грантини йўналтириш асосида Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивларини реконструкция ва техник модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори натижасида ва республикада архив ишларини ривожлантиришга ажратилган Халқаро КОИСА жамғармаси грантини ўзлаштириш орқали учта марказий давлат архиви биноси капитал таъмирланди, архив ҳужжатхоналарига автоматик тарзда ёнгини ўчириш тизими ўрнатилди, видеоназорат ва кўриқлов тизими ишга туширилди, қоғоз асосидаги бошқарув ҳужжатлари, кино, сурат ва овозли ҳужжатларни электрон сугурта қилиш бўйича замонавий техника жиҳозлари билан таъминланди.

Тошкент шаҳар Архив иши бошқармаси тизимидаги архив муассасаларида ҳам архив ҳужжатларини ташкилотлардан сақловга қабул қилиш, сақловни таъминлаш ва улардан фойдаланиш бўйича ўзига хос тажриба тўпланган. Айна пайтда

ушбу муассасада халқ ҳўжалигининг барча ташкилот, корхона ва идоралари билан бир қаторда олий ва ўрта махсус таълим, халқ таълим муассасаларининг 1917 йилдан ҳозиргача бўлган 116 минг сақлов бирлигидан ортиқ бошқарув ва шахсий келиб чиқиш ҳужжатлари, идоралараро ҳўжалик ҳисобидаги шахсий таркиб ҳужжатлари, марказий архивда эса 9934 сақлов бирлигида шахсий таркиб ҳужжатлари сақланиб келинмоқда. Мазкур тарихий архив ҳужжатларидан маориф ишларини йўлга қўйиш, таълим муассасаларини ишга тушириш ва маблағлар ажратиш, ўқув-тарбия жараёнлари услубияти ва дастурлари, илмий ва педагогик кенгашлар баённомалари, режа ва ҳисоботлар, меҳрибонлик уйлари ва етим болалар васийлиги, давлат имтиҳон комиссиялари, профессор-ўқитувчиларнинг илмий ишлари ва шахсий йиғма-жилдлари, таълим муассасаларининг бошқарув ҳужжатлари,

иш ҳақи китоблари ва бошқа турдаги архив ҳужжатлари ўрин олган. Ҳозирда уларни замонавий электрон каталогларга жойлаштириш ва аҳоли фойдаланиши учун янада қулайликлар яратиш борасида бир қатор ишлар олиб борилаётган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар Халқ таълими бошқармаси ҳамда уларнинг тизимидаги ташкилотларда архив иши ва уни юритишни яхшилаш юзасидан ҳамкорликдаги ўқув-семинарлар мунтазам уюштирилмоқда. Меъёрий ҳужжатлар сақлови юзасидан услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш, ташкилотларнинг идоравий архивлари фаолиятини назорат қилиш, интернет орқали иш юритиш ва архив ишига оид турли интерактив хизматлар кўрсатиш яхши йўлга қўйилди. Тошкент шаҳар давлат архивида ўта қимматли ҳужжатларнинг электрон сугурта нусхасини ҳамда электрон маъ-

лумотларнинг қидирув тизimini яратиш, шунингдек, электрон архивни ташкил этиш ишлари амалга оширилмоқда. Архив иши бошқармаси тизимидаги архив муассасаларининг барча компьютерлари локал алоқа тармоғига уланди ва келгусида республика давлат архивлари билан ягона корпоратив алоқа тизимига уланиш учун саъй-ҳаракатлар авжида. Шу мақсадда архив биносида сервер қурилмаси монтаж қилинмоқда. Тадқиқотчилар учун архив ўқув хонасида барча шароитлар яратилди, хусусан, ўқув хоналари компьютер, мебель ва видеокузатув тизими билан жиҳозланди.

Ўйлаймизки, архивларимиз мамлакатимиз равнақи ҳамда баркамол авлод тарбиясига ҳисса қўшиши, давлатимиз томонидан яратиб берилган имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда бугун ва келажак ўртасида муносиб кўприк бўлиши ҳамда бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган асрларга қиёслагулик улкан ишларни келажак авлодга етказишдек шарафли вазифани тўлиқ адо этишига шубҳа йўқ.

Алижон МАҲКАМОВ,  
Тошкент шаҳар Архив иши  
бошқармаси бошлиғи

# ОЗОН ҚАТЛАМИ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАСИЗ?

«Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдилар».

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 50-модда.

Ёш авлодни ҳар томонлама баркамол воёга етказиш, маънавий дунёқарашини ривожлантиришда экологик тарбиянинг ўрни бекиёс. Чунки, табиатни асраш, атроф-муҳитга нисбатан эътиборли бўлиш уни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг келажак олдидаги бурчимиздир.

Шундай экан, табиат ва инсон ўртасидаги уйғунликни таъминлашда ёш авлоднинг экологик савиясини тўғри шакллантириш, табиатга нисбатан меҳр-муҳаббат туйғуларини ривожлантириш ўқитувчи ва мураббийлар зиммасига юксак масъулият юклайди.

Республикамиз узлуксиз таълим тизимининг ҳамма босқичларида экологик таълимга катта эътибор қаратилган. Бу эса ўз навбатида дарсларни фанлараро боғлаб ўқитишни, ўтилаётган мавзунинг мақсадидан келиб чиқиб ўқувчиларнинг экологик билимларини оширишни тақозо этади.

Маълумки, 16 сентябрь — Халқаро озон қатламини муҳофаза қилиш куни ҳисобланади. Бу борада умумтаълим мактабларида тарбиявий соатлар, синфдан ташқари тадбирлар уюштириш билан бирга дарсларда озон қатламига доир маълумотларни бериб бориш айтилган. «Озон қатламини асраш — одамни ва оламни асраш», «Озон — ҳаёт қалқони!», «Озон қатламини қутқарайлик!» каби шиорлар остида мактабларда тадбирлар ўтказиш ўқувчиларда атроф-муҳитга нисбатан жавобгарлик ҳиссини янада кучайтиради.

Заминимизни куёш ультрабинафша нурларининг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган озон қатламини емирилишдан сақлаш жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказида турган долзарб экологик муаммо эканлиги ҳақида ёшларга маълумот бериб бориш давр талабидир.

Бошланғич синфларнинг «Табиатшунослик», «Атрофимиздаги олам» фанларида «Биз ва табиат», «Куёш», «Ер юзасининг тузилиши», «Инсон ва табиат», «Табиат нима?», «Бизни ўраб турган ҳаво» каби мавзуларда озон қатламини ҳақида ўқувчиларга дастлабки тушунчаларни содда, аниқ, раво тилда ҳикоялар ёрдамида тушунтириши лозим.

«Атмосфера ҳавосининг асосий қисми азот ва кслороддан ташкил топган. Кслород сув ва ёруғлик каби энг муҳим ҳаётий омиллардан бири ҳисобланади. Кслороднинг бир қисми атмосферада уч

атомли молекула, яъни озон сифатида учрайди. Озон атмосферанинг ер юзасидан 20-22 км. баландликда жойлашган. Баъзан атмосферанинг ушбу озонга бой қатламини озонсфера деб ҳам аталади. Озон қатламини тирик организмлар учун салбий таъсир этувчи Куёшнинг қисқа тўлқинли ультрабинафша нурларини ушлаб қолади. У ҳаёт қалқони, аммо табиат томонидан бошқариладиган бироз узун тўлқин узунлиқдаги ультрабинафша нурларини озон қатламини яхши ўтказиши. Ушбу нурлар ҳаёт учун зарур, улар касаллик туғдирувчи бактерияларни нобуд қиладди, одам организмиди Д витамини ҳосил бўлишига ёрдам беради», деб ёзилади «Экология алифбоси» қўлланмасида.

Ушбу маълумотлардан биз 7-синф кимё дарсида «Кслороднинг табиатда айланиши», «Ҳавонинг таркиби», 6-синф ботаника фанида «Касаллик туғдирувчи бактериялар», 8-синф одам ва унинг саломатлиги фанининг «Витаминлар», «Организмни чиқариш» мавзуларида фойдаланишимиз мумкин.

Инсоннинг технологик фаолияти натижасида озон қатламини XX асрнинг иккинчи ярмидан ҳавф остида қолди. Дастлаб Антарктида устидаги «ҳимоя қатламини» да «ёриқ» ҳосил бўлади. Кейинчалик туйнукнинг Австралия томон силжиётгани, 1992 йилда эса Арктика устида пайдо бўлгани қайд этилди. Бугун атмосферага турли захарли газларнинг кўплаб миқдорда чиқарилаётгани ҳароратнинг ошишига сабаб бўлиб, айрим табиий офатларнинг кўпайишига ҳам сабаб бўлмоқда. Инсоннинг бевосита таъсирида юзага келган ушбу экологик муаммолар ҳақида

6-синф географиясининг «Антарктида», «Австралия», «Шимолий муз океани», 9-синф географиясининг «Атроф-муҳитнинг ифлосланиши», 8-синф одам ва унинг саломатлиги фанининг «Организм ва ташқи муҳит» мавзуларида айтиб ўтишимиз лозим.

Шунингдек, 9-синф физика курсининг «Атом тузилиши» бўлимида ўқувчиларга «Озон Ер сатҳида ҳаддан зиёд кам миқдорда бўлишига қарамасдан (ўртача ҳавонинг ҳар миллион молекуласида учтадан озон молекуласи бор), ўта муҳим вазифани бажариши, у Куёшнинг тирик жон учун хавфли бўлган «УФБ-нурланиш» деб аталадиган ультрабинафша

нурларини ютиб юбориши, шунинг учун Ер юзидидаги тирикликни ҳимояловчи қалқон деб аталиши» ҳақидаги маълумотларни бериш уларнинг билим ва дунёқарашини бойитиш ҳамда мавзуга бўлган қизиқишларини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, одатда совуқлик техникаси, ўт ўчириш, табиий ускуналарни стерилизациялаш, қишлоқ хўжалиги, нефтни қайта ишлаш заводларида катализатор сифатида ишлатиладиган таркибиди хлор ва фтор сақловчи кимёвий моддалар озон қатламини емирилишига сабаб бўлади.

Атмосферага учиб чиққан фреонлар Куёшнинг ультрабинафша нурлари таъсирида парчланади. Натижада хлор, фтор, бром каби фаол радикаллар ҳосил бўлиб, улар озон молекулаларини парчалайди. Кимё фанида «Галогенлар», «Микроэлементлар ва уларнинг аҳамияти» (8-синф), «Углеводородларнинг табиий манбалари» (9-синф) мавзуларида юқоридаги маълумотлардан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, хлорфторуглерод ва галогенларнинг бир неча ўн йил ичида қўлланилиши ҳаддан ортиқ кўпайиб кетганлигини, кейинчалик «Озонни емирувчи моддалар» (ОЕМ)нинг зарарли таъсири исботланганлигини ҳам таъкидлаш зарур.

7-синф Ўзбекистон табиий географияси, 8-синф Ўзбекистон иқтисодий-ижтимоий географияси, 9-синф Жаҳон иқтисодий географияси, 8-синф Иқтисодий билим асослари курсларида қуйидаги маълумотларни бериш мумкин:

Озон қатламини бузилишининг олдини олиш мақсадида 1985 йили «Озон

қатламини муҳофаза қилиш тўғрисида» Вена конвенцияси қабул қилинди. 1987 йилнинг 16 сентябрида бу ҳужжатнинг мантикий давоми сифатида Монреал баённомаси имзоланди. 1987 йили Монреал шаҳрида Монреал қайдномаси имзоланган. Унда 1989 йилдан бошлаб, барча мамлакатлар фреондан фойдаланишни 50 фоизга камайтиришни келишиб олишди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1993 йили Вена конвенцияси ва Монреал баённомасига қўшилиш таклифи билдирилди. Мамлакатимиз Марказий Осиё минтақасида биринчи бўлиб ушбу ҳужжатни

имзолади. 1994 йили ёнғинни ўчиришда ишлатиладиган уч турдаги ОЕМлар импорт тўхтади, 1995 йили Олмалик маиший кимё заводи маиший кимёвий ва парфюмерия воситаларини пурковчи баллончаларда ишлаб чиқаришни тўхтатди. 1996 йили Олий Мажлис йиғилишида «Атмосфера ҳавосини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун маъқулланди. Ҳужжатнинг 19-моддаси Озон ҳимоясига бағишланади. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 январдаги «Озон қатламини ҳимоя қилиш соҳасидаги шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида ОЕМдан фойдаланишни тўхтатиш бўйича маиший музлаткичлар ишлаб чиқарувчи «Сино» заводининг қайта жиҳозланиши натижасида ҳавонинг Озон қатламига зиён етказувчи моддалар истеъмолини йилига 88 тоннага қисқартиришга эришилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча экологик лойиҳалар сингари озон қатламини муҳофаза қилишга йўналтирилган миллий дастур доирасида кенг кўламли ишлар амалга ошириляптики, уларнинг барчаси табиий атроф-муҳитни асраш, инсон саломатлигини сақлашга йўналтирилган.

**Б.ТОШНИЯЗОВ,**  
Республика таълим маркази «Жисмоний камолот ва саломатлик» бўлими бошлиғи  
**Б.РАҲИМОВА,**  
Юнусобод туманидаги 105-мактаб ўқитувчиси

## Tabiat va biz

Табиатни муҳофаза қилиш масаласи барча замонларда ҳам одамлар ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Саноат ривожланган, хўжалик эҳтиёжлари учун бир қанча табиий бойликлар жалб қилинган ҳозирги пайтда табиатни иқтисодий муҳофаза қилиш зарурати янада ошмоқда. Айниқса, ўсимликлар, ҳайвонлар, тупроқ унумдорлиги, чучук сув, иқлим ва қазилма бойликларни муҳофаза қилиш долзарб масала.

Ишлаб чиқаришда экологик софликка эътибор бериш катта аҳамиятга эга. Жумладан, конфет ёки қадоқланган шарбатларни олинг. Бу ширинликларни ўрашда фойдаланиладиган қоғоз, селюфан ва пластик идишларни ишлаб чиқарилган фабрикалар экологияга катта зарар етказиши. Аммо ҳақиқий «ширинлик фабрикаси» бўлган мевали дарахтларнинг маҳсулотлари витаминга бой, тўйимли ва чиқиндига айланмайдиган қоллам билан ажойиб тарзда ўралган. Шунингдек, бу «фабрикалар» ифлос ҳавони ютиб, ўрнига тоза ҳавони ишлаб чиқаради. Улкан дастгоҳларга ўхшаб шовқин чиқармайди, «ёқилги»си эса чиринди, гўнг ва тупроқ каби табиий нарсалардан иборат. Шамолларни тўсиш, соя беришдан ташқари, ажойиб гўзаллиги билан инсонларга эстетик завқ бағишлайди.

## ТАБИЙ «ШИРИНЛИК ФАБРИКАЛАРИ»НИ КўПАЙТИРАЙЛИК

Энергия эҳтиёжи аҳоли сони ортишига мос равишда кун, ҳатто соат сайин ортиб бормоқда. Шу сабабли олимлар ёқилгига муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш устида бош қотирмоқда. Ана шундай туганмас энергия манбаларидан бири — Куёш ҳисобланади. Серкуёш заминимизда бундай муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш қўл келиши шубҳасиз.

Дарҳақиқат, сайёраимизга борйўги бир соат давомида тушадиган Куёш нури энергияси Ер курраси аҳолисининг бир йиллик энергия эҳтиёжини таъминлайди. Агар Куёш нуридан самарали тарзда фойдаланиш усулини топа олганимизда, барча эҳтиёжимиз учун Куёш энергиясининг ўзи кифоя қилган бўларди. Демак, туганмас табиатнинг бу имкониятларидан самарали, оқилона фойдаланиб, бўш ётган ресурслардан беназир ихтиролар қилишга имконимиз бор. Табиатнинг ўзи бизга ўта ноёб ва бебаҳо имкониятлар яратиб берар экан, унинг ҳар бир қисми, хоҳ ҳайвонот олами бўлсин, хоҳ ўсимлик дунёсини асраш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Бугун, барча таълим муассасалари, давлат ва жамоат ташкилотлари, идораларида бу борада чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2-Тошкент педагогика коллежи ўқитувчиси Наргиза Абубакирова бошчилигида «ЭКОСАН» боғи ташкил этилган. Коллеж ҳовлисида манзарали дарахт кўчатлари, атиргул қаламчалари экилган боғ ташкил этдик. Ҳа, атроф-муҳитимизни асраб-авайлаб, келажак авлодга етказиш барчамизнинг бурчимиз эканлигини ва бу ишда ҳар биримиз фаол иштирок этиб ўз ҳиссамизни қўшишимиз кераклигини ҳамиша ёдда тутайлик.

**НОДИРА НАЗАРОВА,**  
2-Тошкент педагогика коллежининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Бугун Интернет деган сўзга ўрганиб қолдик. "Кучукча" (@) ни ҳам яхши биламиз. Айтишларича, унинг электрон почта тизимига олиб кирилиши ўзига хос тарихга эга экан. Аввало шунини таъкидлаш жоизки, уй ҳайвони номини олган маъмур ўзига хос техник ишора ўрта асрлардаёқ мавжуд бўлган.

Манбаларда ёзилишига кўра, @ қадимги солномалар, айниқса, латин ёзувидаги асарларда кўп учрайди. Латин тилида "ad" кўшимчаси бор ва у жўналиш келишиги кўшимчасига мос маънони англатади. Яъни "-га" орқали тегишлилик, йўналиш ёки яқинлаштишни билдиради. Масалан, "Бу қалам менга тегишли", "Уйга кетаяпман", "Манзилга яқинлашмоқдаман" каби.

Мозийда тарихнавислар "d" ҳарфига кичкинагина "дум" шакли билан безак бергани учун у 6 рақамнинг ойнадаги аксини эслаб юборган. Бундан ташқари, "ad" кўмакчиси матнда тез-тез қўлланилиши янада қулай шакл — @га асос солган.

XV асрга келиб, Испанияда савдогарлар ушбу белгидан ўлчов бирлиги сифатида фойдаланганлар. Тўғрироғи, у чорва моллари ва шароб оғирлигини аниқлашда кенг ишлатилган "арроба" ("arroba" — тахминан 11,52 кг.га тенг) катталикни англатган.

Вақт ўтиши билан "кучукча"нинг вазибалари кўпайиб бораверган. Чунинчи, Европа Уйғониш даврида у нарх-навони билдирган. Саноатда юз берган инқилоблар пайтида капитал айланмаси, биржалар фаолияти замонавий такомиллашув жараёнига ўта бошлаганда ҳам, @ бухгалтерлик ҳисоб-китобларида тез-тез учраб турган. Шундай қилиб, белги асл семантик маъносини йўқотиб, \$, #, % ва бошқа арифметик белгилар каби янгича қиёфада истеъмолга кириб келди, кейинчалик компьютер клавиатураларида ҳам пайдо бўлди.

"Кучукча" том маънодаги машҳурликка АҚШнинг «Би-Би-Эн Техноложи» ("BBN Technology") компанияси тадқиқотчиси Рэй Томлинсон туфайли эришди. У нафақат электрон почта ихтирочисини, балки @ белгисини қайта кашф этган шахсдир. Шу ўринда Томлинсоннинг компанияси 60-йилларда Интернетнинг дастлабки кўриниши — «АРПАНет» ("ARPANet") компьютерлар тармоғи дастурини амалга ошириш устида иш олиб борганини эслаш лозим.

Рэй ўша пайтда файллар ва хат-хабарларни ўзаро алмашиш, узатишнинг содда электрон тизимига асос солди. Бунинг учун қўлланилган энг тезкор модем бугунги кундаги стандарт муқобилидан икки юз марта секин ишларди. Ҳозирги кунда бундай қурилма сониясига ўртача 56,6 Кбит. маълумотни қабул қилиши мумкин.

Кези келганда айтиш жоизки, виртуал почта қутисидagi хабар одатий файлдан

ратиб турувчи ўзига хос белги топиши керак эди. Бошқача қилиб айтганда, электрон почта учун универсал алгоритм (исм — белги — жой) қидирилатганди. Бунда у фойдаланган "33 Teletype" русумидаги клавиатура қўл келди. Чунки ўша пайтлари бу каби қурилмада ҳарф, рақамлар ва пунктуацион белгилар (шу жумладан, ҳисоб-китобда ишлатиладиган @) бор эди. Томлинсон учун @ юқоридаги алгоритмнинг энг мақбул ечими сифатида кўринди. Ҳақиқатан ҳам, "кучукча" кўриниши, од-

## “ЎРГИМЧАК ТЎРИ”ГА ТУШГАН “КУЧУКЧА”


фарқ қиларди. Яъни ундаги матнни ўзгартириб бўлмас, унга кўшимчалар қилиш мумкин эди, холос. Бунда жўнатувчи «SNDMSG», қабул қилувчи «READMAIL» дастурларидан фойдаланарди. Кашфиёт 200 қатордан иборат бўлиб, ўз ичига «SNDMSG», «READMAIL» дастурлари ва «SPYNET» протоколи комбинацияларини олди.

Умуман олганда, «АРПАНет» тизимида илк марта бир-бири билан локал тармоқ орқали боғланмаган бир компьютердан иккинчисига файл юбориш тажрибаси муваффақиятли амалга оширилиши учун ярим йил вақт сарфланди. Шунга қарамай, бундан ҳеч бир оммавий ахборот воситаси, ҳатто энг тезкор телевидение мухбирларининг ҳам хабари йўқ, фақатгина санокли олимларгина бу ҳақда маълумотга эга эди, холос. Хўш, мана шундай махфий оламга ёқимтой "кучукча" қандай кириб келди?

Аввало, Томлинсон фойдаланувчи ва компьютер номини аж-

дийлиги, аниқлиги ва қулайлиги билан мутахассис эътиборини ўзига торта олганди.

1973 йили Винтон Серф ва Боб Кан томонидан TCP/IP протоколи (ҳозирги Интернет тили) яратилиши орқали "ўргимчак тўри" бутун Ер юзи бўйлаб аста-секин ёйилди. Орада замонавий кўринишдаги электрон почта — э-мейл (e-mail) тизими жорий қилинди. Бунда таникли мутахассис Дуглас Энгельбартнинг ҳиссаси катта бўлди. У Томлинсоннинг изланишларини такомиллаштирди, хат алмашиш тизимини янада соддалаштирди. Қолаверса, сичқонча қурилмасини ясади ва уни муваффақиятли тарзда амалиётга жорий этди. Унинг ишини давом эттирган Лоуренс Робертс эса хатлар рўйхати, керакли хабарни танлаб ўқиш, маълумотни алоҳида файлга сақлаш, қайта



Bilasizmi?

қиқат, @ни кўп нарсага ўхшатиш мумкин. Айниқса, мактаб ўқувчиларидан жуда ажойиб ўхшатишлар чиқади. Улар турфа хил, беихтиёр эътиборингизни тортади: "Кўзойнак таққан кўз", "Олма", "Арча безаги", "Олмаҳон", "Чувалашган қалава ил", "Хартуми билан сув пуркаётган фил" ва ҳоказо. Хуллас, болажонларнинг ўзига қўйиб берсангиз, хаёлингизга келмайдиган ташбеҳлар билан сизни ҳайратга солишади. Дарвоқе, 2010 йили Интернетга @ кириб келганига 39 йил тўлди.

Юбилей даврида "кучукча"нинг муаллифлик ҳуқуқи кимга тегишли? деган саволга жавоб топиш авж олганди. Шунда Томлинсон "Электрон хабарлар тизими бир кунда пайдо бўлиб қолгани йўқ. Унинг оммалашшида кўпчиликнинг меҳнати сингган", деган хулосага келди.

Унинг @ белгили манзил орқали жўнатилган дастлабки мактубда нималар ёзилганди? деган саволга берган жавоби ҳам ўзига хос.

Олим ўз кашфиёти кейинчалик шу қадар оламшумул аҳамият касб этишини тасаввур қилмаган бўлса керак. Акс ҳолда, биринчи хатида QWERTYUIOP дея ёзмаган бўлар эди. Булар эса клавиатуранинг чап томонидан биринчи қатордаги кетма-кетликда келган ҳарфлардир. Бунга изоҳ тариқасида "Тўғриси, ўшанда дуч келган тугмаларни бармоқларим билан босиб ташлагандим", — деганди у.

Шу ўринда яна бир маълумот. Телефон ихтирочисини А.Белл биринчи марта алоқага чиққанда, шундай деган экан: "Ватсон, кириш, сиз менга кераксиз". Унчалик жарангдор эшитилмади, мазмуни ҳам чуқур эмас.

Демак, кашфиётчиларнинг тарихий дақиқаларда мана шундай ғалати жумлаларни қўллаши одатий ҳол. Балки, бу буюк келажак олдидаги салобат таъсиридандир. Мухтасар қилиб айтганда, @ қисқа вақт ичида Интернет шинавандаларининг қалбини забт этди. Уни энди замонамиз аҳолиси ўзларининг "ўргимчак тўри"даги э-мейлларида доимо бирга эргаштириб юришибди.


Н. ҚОСИМОВ  
тайёрлади.



## КУВВАТНИ ТЕЖАЙДИГАН УЙ

Буюк британиялик олимлар ўзига хос тажрибага қўл уришди: улар уч қаватли лаборатория ичида ҳақиқий уй қуришни бошладилар. Қизиги, турар жой биноси ёмғир, шамол, қор каби табиат ҳодисалари таъсири остида бўлади ва турли даражадаги намлик синовидан ўтказилади. Мазкур саъй-ҳаракатларнинг замирида бир мақсад мужассам: бинонинг энергияни қандай ўзига тортиб олиши жараёнини кузатиш. Бу ҳақида «Популар Сайнс» («Popular Science») маълум қилди.

Янги лойиҳа «Кувватни тежовчи келажак уйи» номини



олган. Уни амалга ошираётган Солфорд университети ходимлари келгусида олинган натижалар асосида турар жойларда энергияни тежаш самарадорлигини оширишни режалаштиришган. Қолаверса, шу йўл билан «иссиқхона газлари»нинг атрофга чиқарилишини камайтиришга ҳам эришиш кўзда тутилган.

Жараёнда олимлар фақат кўрсаткичларни аниқлаш билан банд бўлмай, балки экологик нуқтаи назардан мақбул бўлган қарорларни қабул қилиш мақсадида психолог,


тиббиёт ходимлари ва социологлар билан ҳам музокара оlib боришмоқчи. Уйнинг қурилиши эса келгуси йили февраль ойида якунланиши кутилмоқда.

## ЧОП ЭТИЛМАГАН АСАР ТАҚДИМОТИ

Таниқли инглиз адиби, шоир ва тарихчиси Вальтер Скоттнинг шу кунгача ҳали бирон-бир нашриёт томонидан чоп этилмаган «Киллерн тепаликлари» («The Hills of Killern») номли поэмаси илк мартаба кенг омма ҳукмига тақдим этилди. Оммавий ўқишлар адиб қаламига мансуб яна бир «Қўл париси» асарининг 200-йиллик тадбирида ташкиллаштирилди, деб ёзади «Дейли Тэлеграф».

«Киллерн тепаликлари» поэмаси мамлакатдаги Калландер худудига яқин Бэйли-Хамилтон оиласига тегишли уйда сақланган архив ҳужжатлар орасидан топилган. Аниқланишича, Вальтер Скотт ёшлигида салкам 10 йил давомида мазкур оила билан жуда яхши муносабатда бўлган ва тез-тез бу уйга ташриф буюрган экан.


Бэйли оиласи авлодлари шу кунгача сақланиб қолган тарихий ҳужжатларнинг эгалари ҳисобланади. Шу сабабли, улар ҳалигача чоп этилмаган асар қўлёзмаси билан биргаликда Вальтер Скоттнинг адвокатлик амалиёти бўйича шеригига йўллаган 9та мактубини ҳам тақдим этди. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, уларда худуднинг манзараси шоирга қанчалик таассурот қолдиргани баён этилган.



## ДАВО ТОПИЛДИ

Инсонларда камдан-кам учрайдиган, ammo кутилмаганда ҳар қандай ёшдаги одамда кузатилиши мумкин бўлган касалликлардан бири бу кўз саратони ҳисобланади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, гарчи кўпинча муолажа пайтида нурли терапия усулларидан фойдаланилса ҳам 50 фоиз ҳолларда беморлар кўриш қобилиятини йўқотади. Лекин Колорадо университети қошидаги Кўз онкологияси тиббий маркази раҳбари Оливер Скотт томонидан ишлаб чиқилган янги технология кўп нарсани ўзгартириши кутилмоқда. Олимнинг изланиши натижалари «Архивез оф Офтальмологи» («Archives of Ophthalmology») журналида чоп этилди.

Мақолада баён этилишича, кўз саратони аниқланган пайтда беморларни даволашда лазер терапиясидан фойдаланилади, боиси ҳозирча фақат шу йўл билан зарarli ўсманинг ўсишига барҳам бериш мумкин. Ammo бу нурлар таъсирида кўриш органига зарар етати, натижада касал одамларни кўрмай қолиши ҳеч гап эмас. Тадқиқотчи Оливер Скотт эса бир неча йиллар давомида олиб бorgan кузатувлари асосида силикон мойи зарarli нурланишнинг салбий таъсири 55 фоизгача камайтириши мумкинлигини аниқлади. Ўз навбатида, мазкур кўрсаткич о'зликнинг олдини олиш учун етарли экан.



Таъкидлаш жоизки, тадқиқот пайтида олим асосий эътиборни кўз саратонининг энг хавфли ва кўп тарқалган тури — хориоидал меланомага қаратган. Маълумотларга қараганда, йилига 2 мингга яқин инсонга бу касаллик ташхиси қўйилар экан. Шу билан бирга у жуда тез тарқалиб, жигар ва ўпкаларга ҳам ўтиши мумкин. Айниқса қуёшда кўп мартаба ва узоқ муддатда бўладиган инсонлар учун касалликни орттириб олиши хавфи жуда баланддир.

— Лазерли терапия пайтида жарроҳлар бемор кўзининг оқига радиоактив моддалар бўлган капсулани жойлаштиради. Улар аста-секинлик билан ўсмани парчалайди, айна пайтда кўзининг ўзига ҳам жиддий зарар еткази, — дейди профессор Оливер Скотт. — Чунки радиация туфайли қон томирлари ва асаб толаларига путур етати.

Шу сабаб ҳам муолажадан кейинги уч йиллик давр мобайнида ярмидан кўп беморларнинг кўрмай қолиши кузатилади. Бу ҳолатни бартараф этиш мақсадида олим радиациянинг кўз органидаги муҳим қисмларга салбий таъсирини камайтириб, бевосита ўсманининг ўзини йўқотадиган моддалар билан тажриба ўтказди. Яқунда силикон мойи айнан шундай хусусиятга эга экани маълум бўлди.

Ҳозирга қадар у ҳайвонларда синов ўтказди ва кутилган натижаларни қўлга киритди. Келгусида тажрибалар шифохоналарда давом эттирилиши кутилмоқда.




## ЛАЗЕР ЁРДАМИДА ҲАРАКАТЛАНМОҚДА

Австралиялик физик олимлар шиша бўлақларини уларга тегмай туриб салкам 2 метр масофага силжитишнинг уддасидан чиқди, — деб хабар беради АП. Таъкидланишича, бу жуда яхши натижа, чунки ундан аввал ҳажман бактерия билан тенг зарраларни суоқликда атиги 2 миллиметрга ҳаракатлантиришга эришилганди, холос.

Тажриба пайтида мутахассислар лазер ускунасидан фойдаланган. Бунда иссиқ ҳаво молекулалари ёрдамида зарралар ускунанинг ўзак қисмида тутиб турилади. Сўнгра бу ерга лазер нури туширилади ва зарраларга босим

ўтказилади, натижада турли катталиқдаги жисмлар нур бўйлаб исталган йўналишда ҳаракатлана бошлайди. Аҳамиятлиси, лазерли ускунанинг иккинчи томонидан яна бир нур туширилиб, унинг ёрдамида зарралар ёки жисмлар ҳаракатини бошқариш янада оsonлашади.




Ҳозирча тажриба узунлиги 1,5 метрга тенг оптик стол устида ўтказилди. Лекин изланиш муаллифларининг фикрича, улар жисм бўлақларини янада узоқроқ масофага ҳам ҳаракатлантира олиши мумкин. Янги технологиянинг ютуғи шундаки, унинг ёрдамида хавфли микроорганизмларни уларга қўл текизмай силжитиш, юқори даражадаги сезувчанликка эга микроскопик қурилмаларни яратиш мумкин бўлади.

## ТАБИЙ ДОРИ ВОСИТАСИ

Исроил ва океанортилик олимлар цитрус меваларидан бири ҳисобланган грейпфрут қанд касаллиги ҳамда семиришга қарши табиий дори вазифасини ўташини аниқладилар. Жараёнда улар мева таркибидаги нарингенин моддасининг таъсирини ўрганишган. Яқунда Қуддус университети ва Массачусетс штатидаги Марказий шифохона илмий ходимлари ўзига хос ҳулосани тақдим этган. Аниқланишича, грейпфрутга тахирлик таъмини берувчи нарингенин жигардаги ёғлар парчаланшини тезлаштириб, организмнинг инсулин гормонига сезувчанлигини оширар экан. Бу ҳақида «Иннованьюс» манбасида маълум қилинди.

Тиббиётда қанд касаллиги инсулин моддасининг мутлақ ёки нисбий етишмаслиги сифатида таърифланади. Мутахассислар биринчи ҳолатда ошқозон ости безида инсулин моддасининг ишлаб чиқилиши пасайишини ва бунда биринчи даражали қанд касаллиги ривожланишини таъкидлашган. Бундай пайтда беморлар ҳар куни махсус муолажадан ўтиши талаб этилади. Жараёнда уларнинг организмга инсулин ўрнини босадиган модда киритилади. Инсулиннинг нисбий етишмаслиги аниқланганда эса бу гормонга тўқималар сезувчанлиги камайтирилади, айна пайтда модданинг микдори меърийдан кўрсаткичлар доирасида бўлади. Бу иккинчи даражали қанд касаллиги бўлиб, беморга доимий муолажа зарур бўлмайди. Лекин ушбу турдаги касаллик кўпинча ортиқча вазн ҳолати билан биргаликда кузатилади, чунки уларнинг ривожланиш механизмлари бир хил. Шулардан келиб чиққан ҳолда, изланиш олиб бorgan олимлар нарингенин ҳозирда кенг қўлланилаётган дори-дармонларнинг ўрнини бемалол боса олишини аниқлашган. Негаки, грейпфрутдаги бу модда тўқималарнинг инсулинга нисбатан сезувчанлигини ошириш билан бирга жигар ҳужайралари фаолиятига таъсир кўрсатиб, ёғларнинг тўпланиб қолишига йўл қўймайди.



Тадқиқотчилардан бири Яков Намиаснинг маълумот беришича, бундан биров муддат олдин нарингенин моддаси оздирувчи восита сифатида ҳам қўлланиши мумкинлиги фикри ўз исботини топган. Ушанда Фарбий Онтарио университети олимлари томонидан бу модда семириш хавфини ва қондаги холестерин микдорини камайтириши тажрибаларда аниқланган.

Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.

## Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги қуйидаги компьютер техникаларини сотиб олиш бўйича танлов ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

### 1. Дупликатор, Компьютер ва Принтер

№	Техника номи ва маркаси	сони
1.	DVD дупликатор 10 Drive	3
2.	Компьютер CPU Intel DualCore 2,6 GHz / MB P43 / DDRII 2Gb / HDD 500 Gb / DVD-RW / клав /мыш / LCD19« Сетевой фильтр	3
3.	Принтер Epson T59	3

### 2. Компьютер ва Сканер

№	Техника номи ва маркаси	сони
1.	Компьютер CPU Intel DualCore 2,7 GHz /MB P43 / DDRII 2Gb / HDD 500 Gb /DVD-RW / keyb Genius KB21E / мыш / LCD19«/ Сетевой фильтр/	3
2.	Сканер HP-2710	1

Танлов ўтказиш жараёнилари ва тартиби ҳақидаги қўшма маълумотлар олиш учун иштирокчилар эълон чиққан кундан бошлаб (шанба ва якшанбадан ташқари) ҳар куни соат 10:00дан 17:00га қадар қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

100159, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Таълим-тарбия жараёнига ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими, 4-қават, 420-хона. Телефон: (+998 71) 239-88-52, Факс: (+998 71) 239-13-21.

Бошқа муқобил таклифлар ҳам кўриб чиқилиши мумкин. Танлов таклифлари 2010 йил 20 сентябрь соат 15:00дан кечиктирилмаган ҳолда тақдим қилиниши лозим.

Метро. Алишер Навоий бекатига яқинлашяпмиз. Бу бекат чарчоғимни олади. Ҳар гал унга тушганимда кўнглимдаги хираликлар тумандек тарқайди. Айниқса, унинг пештоқидаги санъат намуналари ҳайратимни оширади. Гўёки у инсоният тарихидан сўзлаётгандек.

Гўзаллик ижодкори, моҳир уста яратган санъат асарининг бунчалик мўъжиза касб этишида не синоат бор?

Ўзбекистон халқ устаси Абдурахмон Султонов

у кишининг устахонасига етаклаган. Дарсдан кейин синфдошларим билан ҳунар ўргангани борардик. Ганчкорлик ҳунарини Жамшид Ҳакимов ва Маҳмуд Усмоновдан мукаммал ўрганишга ҳаракат қилдим. Отам уй қурилишида ишлагани учун у кишидан қурилиш сир-асрорларини ўргандим. Ўрта мактабни битиргач, Тошкент политехника институтининг архитектура факультетига ўқишга кирдим. Замоनावий уй қурилиши технологияси ва минг йиллар мобай-

қотгандан сўнг у тошга ўхшаб қотади, — дейди уста. — Ганчкорликда нақшлар махсус металл кескичлар воситасида текис (2-3 мм.) ва чуқур (2-3 см.) ўйиб солинади, ўйилган нақш юзи рангли ва рангсиз гулганч билан пардозланади. Пардозда, асосан, чок пардоз, пах пардоз, лўла пардоз, табақа пардозлардан кенг фойдаланилади.

Аслида бу санъат Ўрта Осиё ҳудудига I асрда киб келган бўлиб, ганчга ўйма нақш ишланган. Му-

## ҲУНАР-ЛА ЯРАЛГАН МЎЪЖИЗА

нинг уйи томон йўл оларканман, ана шундай хаёлларга кўмилдим.

Устоз — қўли гул уста, меҳнаткаш инсон, Абдурахмон Султонов билан суҳбатимиз ганчкорлик ҳунарининг сир-асрори хусусида бўлди...

— Меҳнат турмушининг бир бўлаги, ҳунар эса меҳнатнинг жон томирини, — дейди қаҳрамонимиз. — Пешона тери билан топилган ризқ турмушни ҳам, инсоннинг ички гўзаллигини ҳам безайди. Ёшлигимда «Обиназар» маҳалласида истиқомат қилардик. Уйимизга «Ўқувчилар саройи»нинг яқинлиги, отамнинг қадрдони Маҳмуд Усмонов бизга маҳалладошлиги учун отам қўлимдан тутиб,

нида сайқал топган ганчкорлик санъати намунасини биргаликда акс эттириш фикри доим ичимга чўғ солар, изланишга ундарди. Мана шу ҳунарни танлаб кам бўлмадим. Ҳунарим ортидан халқимнинг ҳурмати, эътиборига эришдим. Бу инсон учун катта бахт. Бахтимнинг пойдевори эса ҳунар, яъни ганчкорлик этагини тутганимдир.

Ганчкорлик санъати амалий санъатнинг кенг тарқалган соҳаларидан бири. Устанинг таъкидлашича, ганчга ўйма нақш ва тасвир ишлашнинг қулайлиги ганчкорликнинг ривожланишига олиб келган.

— Ганч қоришмаси янгилигида осон кесилади, бу ундан шакллар ўйиш, ясаш имконини беради, лекин

қимий театрининг ҳозирги биноси, Навоий театри биноси, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, «Истиқлол» санъат саройи, Темурийлар тарихи давлат музейи ҳам ганчкорлик намуналари билан безатилган.

Мустақиллик бизга кенг имкониятлар эшигини очди. Хизмат сафари билан Франция, Испания, Молдова давлатларида бўлиб, ўша халқларнинг иш тажрибасини ўргандик.

Фарзандларим ота касбини тутмаган бўлса-да, ота ҳунарини билади. Наинки ўғилларим, набираларим, жиянларимни ҳам ушбу ҳунар кетидан етаклаганман.

Хулқар ФАРМОН

## МУАЛЛИМ МЕҲНАТИ МАҲСУЛИ

талабалар ўзлаштиришида акс этади

Дарс... лекция жараёни... у ўқитувчининг савиясига қараб ҳар хил кўринишда, ҳар хил кайфиятда ўтади. Устозимиз Миродил Баратовнинг сабоқлари мазмундорлиги ва қизиқарлилигидан вақтнинг қандай ўтганини биз талабалар билмай қоламиз. Устозимиз фақат бизга эмас,

балки ўзига ҳам жуда кўп талабалар кўяди.

Ҳозирги замон педагогикаси интерфаол усуллардан фойдаланиб дарс беришни талаб қиляпти. Бу усул бир қарашда талабага жуда осон бўлиб кўринар, аммо ўқитувчидан янаям кўп ўқишни, изланишни талаб этади. Чунки тингловчига китобда бор мулоҳазаларни қандай бўлса шундай етказиш осон, аммо бу фикрларни ўзидан, юрагидан ўтказиб, таҳлил қилиб аудиторияга етказиш — катта маҳорат. Ёшлар жуда зукко, орасида билимдонлари, ўз устида тинмай ишлайдиган, ўқитувчини саволларга кўмиб ташлайдиганлари кўп. Аммо дарсга алоҳида тайёргарлик билан келган, йиллар мобайнида бу соҳада етарли билим тўплаган ўқитувчи учун бу савол-жавоб жараёни қийин эмас. Ўқитувчимиз иқтидорли, ўз устида мунтазам шуғулланганидан талабаларни ҳурмат қилади.

— Яхши саволни фақат интеллектуал салоҳияти баланд талаба бера олади, — дейди устозимиз суҳбатларимизнинг бирида. — Савол бериш ҳам

бир қобилият, бир санъат. Айниқса, яхши савол бериш тингловчининг мавзу ҳақидаги билимларининг мукамаллигидан далолат-да.

Устозимиз Миродил Баратовнинг дарс бериш жараёнини кузатар эканман, нотиклик

бобида ҳам анча нарсаларни ўргандим.

Ta'lim fidoyilari



Бундан ташқари, устозимизнинг нафақат оғзаки нутқлари равон, балки ёзма нутқда ҳам ўз фикрини айта олади. У кишининг матбуотда берилган мақолаларини ўқиб бунга амин бўлдим. Талабанинг тилида, оддий гаплар билан маърузани қанчалик жонли олиб борса, газеталардаги чиқишларида ҳам шу нафасни сезиб олиш қийин эмас.

Ҳаёт — катта карвон. Устозлардан билмаганларимизни ўрганарканмиз, уларнинг бошқаларга, айниқса, биз — шогирдларга ўрнатилган фазилятларини ўзлаштириш ҳаракатига тушамиз. Зеро, интилганга толе ёр дейишади-да!

Устозимиз Миродил Баратовни ҳам мевали дарахтга ўхшатгим келади. У етиштираётган шогирдлар юртимиз равнақида ҳисса қўшадиған ҳар томонлама етук, билимли ҳуқуқшунослар бўлишига ишончим комил.

Ҳилола САЙДИЕВА,  
Тошкент давлат юридик  
институтини талабаси

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

қуйидаги бўш ўринларга танлов эълон қилади:

⇒ **Кафедра мударлари:** «Архитектура тарихи ва назарияси», «Геодезия ва кадастр», «Бино ва иншоотлар», «Информатика ва компьютер графикаси».

⇒ **Профессорлар:** Қурилиш материаллари ва кимё (0,5), Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси (0,5), Архитектура тарихи ва назарияси (0,5), Йиғма темир-бетон ишлаб чиқариш (1), инженерлик коммуникацияларини қуриш, лойиҳалаш ва ишлатиш (0,25), Касбий педагогика (0,5), Шаҳар қурилиши ва хўжалиги (0,5), Қурилиш конструкциялари (0,5), Гидротехника иншоотлари, замин ва пойдеворлар (0,5), Иқтисод (0,5), Фалсафа ва ижтимоий сиёсий фанлар (0,5).

⇒ **Доцентлар:** Архитектуравий лойиҳалаш (0,5), Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси (0,5), Архитектура тарихи ва назарияси (0,5), Архитектура муҳитлари дизайни (0,5), Йиғма темир-бетон ишлаб чиқариш (0,5), Геодезия ва кадастр (0,5), Инженерлик коммуникацияларини қуриш, лойиҳалаш ва ишлатиш (0,25), Шаҳар қурилиши ва хўжалиги (0,5), Қурилиш материаллари ва кимё (0,5), Касбий педагогика (1), Бино ва иншоотлар (0,5), Қурилиш конструкциялари (0,5), Гидротехника иншоотлари, замин ва пойдеворлар (0,5), Қурилиш технологияси ва ташкилиёт (0,5), Иқтисод (1), Менежмент (0,5), Математика ва табиий фанлар (1), Фалсафа ва ижтимоий сиёсий фанлар (0,5).

⇒ **Катта ўқитувчилар:** Архитектуравий лойиҳалаш (0,5), Архитектура тарихи ва назарияси (0,5), Архитектура муҳитлари дизайни (1), Жисмоний тарбия (1), Йиғма темир-бетон ишлаб чиқариш (0,5), Геодезия ва кадастр (0,5), Шаҳар қурилиши ва хўжалиги (1), Касбий педагогика (1), Бино ва иншоотлар (1), Гидротехника иншоотлари, замин ва пойдеворлар (0,5), Қурилиш механикаси ва иншоотлар зилзилабардошлиги (1), Иқтисод (0,5), Менежмент (0,5), Математика ва табиий фанлар (1), Фалсафа ва ижтимоий сиёсий фанлар (1).

⇒ **Ассистентлар:** Архитектуравий лойиҳалаш (0,5), Архитектура муҳитлари дизайни (1), Йиғма темир-бетон ишлаб чиқариш (1), Геодезия ва кадастр (0,5), Иқтисод (1), Менежмент (0,5), Математика ва табиий фанлар (0,5), Ўзбек ва хорижий тиллар (0,5).

Кафедра мударлари лавозими танловида фан докторлари, профессорлар ёки фан номзодлари, доцентлар иштирок этишлари мумкин.

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун. Танловда иштирок этишни хоҳловчилар Тошкент ш., Навоий кўчаси — 13, ходимлар иш юритиш бўлимига ёки Илмий котибга учрашишлари мумкин. Мурожаат учун телефон: 244-18-78, факс 241-80-00.

Токио шаҳрида дзюдо бўйича эркаклар ва аёллар ўртасидаги XXVII жаҳон чемпионатида сайёрамизнинг юздан ортиқ мамлакатидан 848 нафар дзюдочи голиблик учун курашга киришди. Дзюдочилар 2012 йили Лондонда ўтадиган ёзги Олимпиадада иштирок этиш ҳуқуқини берувчи рейтинг очколари учун ўзаро куч сынашган айна дамда ватандошларимиз эътиборига тақдим этишга арзишлик хушхабар бор.

**Xushxabarlar**



Р.Собиров 2007 йили Тошкентда ўтказилган "Универсиада"да кашф этилган. Кейин дзюдо бўйича Осиё чемпионатида иккинчи ўринни эгаллади. 2008 йили Пекин Олимпиадасида бронза медаль соҳиби бўлди.

Жорий йилда Андижонда ўтган "Универсиада-2010" спорт мусобақаларида ҳам Р.Собиров дзюдо бўйича тенгсиз деб топилган.

**Россия пойтахти Москва шаҳрида ташкиллаштирилган эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича жаҳон чемпионатида эркин курашчиларимиз Артур Таймазов ва Заурбек Сохиев кумуш медални қўлга киритди.**

Икки карра олимпиада чемпиони деган юксак унвон соҳиби — ҳамюртимиз Артур Таймазов 120 килограммгача бўлган вазн тоифасида ҳал қилувчи баҳсда россиялик полвон — икки карра жаҳон чемпиони Билал Маховга имкониятни бой берди ва иккинчи ўрин билан чекланди.

Мазкур вазндаги курашчилар орасида учинчи ўрин грузиялик Леван Берияндзе ҳамда грециялик Иоаннис Арзумандисга насиб этди. Уларга жаҳон биринчилигининг бронза медални берилди.

2009 йили Данияда мезбонлик қилган жаҳон чемпионатида 84 килограмм вазн тоифасида олтин медалга эгалик қилган Заурбек Сохиев мўғул полвони Тугжидорж Дорвачинг, кубалик Перес Салас, арман курашчиси Вадим Лалиев ва украиналик Иброҳим Алдатовни енгди. Финалда эса болгариялик Михаил Ганев қаршиликдан ўтолмади ва у ҳам иккинчи ўрин билан кифояланди.

**МУХБИРИМИЗ**

Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) рейтингда яқна пешқадам бўлиб олган Ришод Собиров 60 кг. вазн тоифасида жаҳоннинг энг кучли дзюдочиси эканини амалда яна бир бор исботлади.

У жаҳон чемпионатининг финалига қадар болгариялик Янислав Герчев, Жанубий Корея полвони Жанг Жин Мин, яманлик Али Хусрав, жаҳон чемпионати совриндори италиялик Элио Верде ва россиялик Беслан Мудрановнинг курагини ерга теккизди.

Финалда ватандошимиз Ришод Собиров амалдаги жаҳон чемпиони украиналик Георгий Зантариани ҳам доғда қолдирди ва жаҳон чемпионатининг олтин медални қўлга киритди. Унинг шарафига Ватанимиз мадҳияси баралла янграб, байроғимиз музаффар ҳилпиради.

**ИФТИХОР ЖЎШ УРГАН ЛАҲЗА**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Тошкент шаҳридаги Республика Солиқ коллежининг 3-босқичида таҳсил олаётган Беш йилдан буён устозим Билолидин Зайнутдиновдан каратэнинг ўзига хос сир-асрорини ўрганиб келаман, — деди биз билан суҳбатда олтин медаль билан тақдирланган Отабек Даминов. — Сингапурда ўтказилган мусобақа жуда қизгин баҳсларга бой бўлди. Финалда сингапурлик яққакурашчи билан мутлақ голиблик учун гиламга чиқдим. Тан олишим керак — рақибим ҳам жуда кучли, иқтидорли ва ўз услубига эга спортчи экан. Шунга қарамай, мураббийимдан олган сабақлар ва ота-онамининг дуолари ҳамда Ватаним шаъни галаба қозонишимга куч берди.

Умумжамоа газнасига иккинчи олтин медални келтирган Шоҳжа-

**Karate**

хон Абдурахмонов айна дамда Андижон вилояти Балиқчи туманидаги 6-ихсослаштирилган махсус мактабнинг 7-синф ўқувчиси. У икки йилдан буён каратэ билан тинимсиз шуғулланиб келади.

Юртимизга кумуш медаль билан қайтган ёш спортчимиз Абдуллоҳ Расулов ҳам ўзида йўқ шод эди. У табассум билан яқинлари қуршовига ошиқди. Абдуллоҳ жанг қилаётгани дарагини эшитиши ҳамонқ юрагини ҳовучлаб ўтирган ота-онаси ва мураббий ҳам унинг бу ютуғидан енгил нафас олишгани, чексиз ифтихор туйишгани шундоққина уларнинг нурли чехраларидан кўриниб турарди.

— Юз нафардан зиёд шогирдим бор. Улар орасида Абдуллоҳ ёш бўлишига қарамай, ўзининг юксак иқтидори билан ажралиб туради, — дея шогирди ҳақидаги фикрларини тўлиб-тошиб билдирди "Аср-каратэ" спорт клуби мураббийи Санжар Мақсудов. — Унинг мактабда дарсларга фаол қатнашиши ва аъло баҳоларга ўқишдан ташқари, спорт билан мунтазам шуғулланиши аксарият тенгдошларининг ҳавасини келтиради. Мазкур ютуқ Санжарнинг юртимиз довуғини дунёга ёйишида дебоҳа вазифасини ўтаса, не ажаб.

Сингапурда кечган мураккаб синовларда муваффақият қозонган ёш спортчиларимизни табриклаймиз, уларнинг келгусидаги ўқиш ва спортчилик фаолиятида омадлар ёр бўлсин, деймиз.

**Шаҳина ЖҲРАЕВА, "Ma'rifat" мухбири**

**САРҲИСОБ ВА ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ**


Яқинда Андижон шаҳрида Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг қурултойи бўлиб ўтди. Унда иштирок этган барча вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари дастлаб «Универсиада-2010» мусобақалари ўтказилган спорт базаларини кўздан кечиришди. Сўнгра Андижон вилоят халқ таълими бошқармасида ўз ишини бошлаган қурултойда Халқ таълими вазири ўринбосари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори А.Оқиллов ўтган даврда мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамиятида спортчиларни тарбиялаш ва мусобақаларга тайёрлаш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида маъруза қилди.

Қурултой сўнгида болалар спортини ривожлантиришда алоҳида ўрнатилган бир гуруҳ мураббийларга жамғарма ҳамда спорт жамиятининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Тақдирланганлар орасида Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти раисининг ўринбосари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози Мамажон Аҳмедов ҳам бор. Ўттиз йилдан буён шу соҳада меҳнат қилиб кел-

лаётган мураббийнинг шогирдлари мунтазам равишда республика, қитъа ва жаҳон миқёсидаги турли мусобақаларда фаол қатнашиб, совриндор бўлиб келмоқда.

Айни пайтда яна бир кувончли хабарни айтиб ўтиш жоиз 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида оғир атлетика бўйича халқаро тоифадаги ҳакам Мамажон Аҳмедовга Москвадан — Россия оғир атлетика федерациясининг президенти вазифасини бажарувчи ҳамда Европа, жаҳон оғир атлетика федерациялари вице-



президенти Юрий Сандаловдан табрик хати келди. У М.Аҳмедовга халқаро мусобақаларда ҳакамлик қилгани учун миннатдорчилик билдирган ва уни келгуси йили ўтказиладиган мусобақаларга таклиф қилган. Ушбу мактуб ва таклифнома билан бирга М.Аҳ-

медовга Европа, жаҳон оғир атлетика федерацияларининг фахрий дипломи ҳам юборилган. Ушбу табрик юртдошимизга халқаро спорт ташкилотларининг юксак эътирофидир.

**Шерали НИШОНОВ, Р.ГАЛИЕВ олган сурат.**



**УЧ КАРРА ЧЕМПИОН**

Бир неча кун олдин Нью-Йорк шаҳрида старт олган теннис бўйича АҚШ очик чемпионатининг аёллар ўртасидаги мусобақалари голибаси аниқланди.



Россиялик иқтидорли ракеткачи Вера Звонарёва финал босқичида ушбу турнирнинг кетма-кет икки марта голибаси бўлган бельгиялик Ким Клейстерсга қарши кечган матчида мағлубиятга учради.

Роппа-роса бир соат давом этган учрашув 6:2, 6:1 ҳисобида якулланди. Шундай қилиб, бельгиялик Ким Клейстерс «US Open-2010» совринини фаолияти мобайнида учинчи бора боши узра балаңд кўтарди.

Эслатиб ўтамиз, Клейстерс «US Open»нинг 2009 йилги финал баҳсида даниялик Каролин Возняцки устидан зафар кўчганди.

**БИР МИЛЛАРД ТОМОШАБИН**

Баскетбол бўйича Туркияда ниҳоясига етган жаҳон чемпионатида мезбонлар кўлаб мутахассису мухлисларни ҳайратлантиришга сабаб бўлгани ҳақида хабар бергандик. Улар биринчилигининг ҳал қилувчи босқичига қадар етиб келишди.

Финалдан кейин Истанбул шаҳридаги «Синан Эрдём Дом» мажмуасида ташкил этилган матбуот анжуманида берилган маълумотга кўра, мазкур ҳаяжонли баҳсни телевизиор орқали миллиардлаб томошабин кузатиб бorgan. Буни ФИБА бош котиби Патрик Бауман эътироф этиб ўтди.

Баскетбол бўйича кечган жаҳон чемпионати «финиш чизиги»да Туркия ва АҚШ терма жамоалари ўзаро баҳслашди. Унда европалик рақибларига нисбатан кўпроқ тажрибага эга америкаликлар 81:64 ҳисобида устун келди. Шу тариқа океан орти вакиллари ўз тарихида тўртинчи марта ана шундай юксак унвонга сазовор бўлди.

**ЭЛЛИК БЕШИНЧИ ГАЛАБА**

Украиналик машҳур боксчи, оғир вазн тоифасида бирйўла уч — WBO, IBO ва IBF камарларига эга бўлиб турган Владимир Кличко нигериялик даъвогар Сэмюэл Питерга қарши ҳимоя жангини ўтказди.



Германиянинг Франкфурт шаҳрида ташкил этилган баҳс одатдагидек ўн икки раунд қилиб белгиланганди. Аммо Владимир воқеалар ривожига амалий нуқтани мuddатидан аввал қўйишга улгурди. У Питерни

10-раундда нокаутга учратиб, ўз камарларини сақлаб қолди ва яна бир мураккаб тўсиқдан ўтиб олди.

Бу кичик Кличконинг Питер устидан қозонган иккинчи галабасидир. Дастлаб у Самюэлни 2005 йилнинг сентябрида очколар бўйича доғда қолдирганди.

Владимир Кличко фаолияти мобайнида жами 58та жанг ўтказиб, унинг 55тасида галаба қозонган боксчига айланди.

**КАРВОНБОШИ 8-ЎРИНДА**

Испан велопоёғачиси Карлос Барредо нуфузли «Испания Вуэльтаси» халқаро турнирининг 15-босқичида голиб деган шарафли номга сазовор бўлди. У муросасиз курашларга бой бўлган кимўзарда барча рақибларини ортда қолдирди.

Соларес манзилдан Лагос де Ковадоньягача бўлган мусобақа масофаси 187,3 километрни ташкил этади. Уни Карлос 4 соат 33 дақиқа ва 9 сонияда босиб ўтишга эришди.



Иккинчи ўринни баңд этган бельгиялик Нико Сийменс испаниялик ҳамкасбидан сезиларли фарқ билан ортда қолгани эътиборлидир: 1 дақиқаю 7 сония.

Кучли учликни якунлаган словакиялик Мартин Велиц эса Карлос Барредодан 1 дақиқаю 43 сонияга кечкииб, маррани кесиб ўтди.

Умумий ҳисобда италиялик таниқли спортчи Винченцо Нибали карвонбошилиқ қилляпти. У 15-босқичда саккизинчи ўрин билан кифояланганди.

**Ш.ЖҲРАЕВА тайёрлади.**

# КИЧКИНТОЙЛАР МУСОБАҚАСИ

Юртимизда болалар спортига берилётган эътибор, баркамол авлод тарбияси йўлида яратилаётган имкониятлар сабаб фарзандларимиз ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом вояга етмоқда.

Пойтахтимиздаги «Қушбеги» болалар спорт мажмуасида таълим

муассасаларининг 5-6 ёшли тарбияланувчилари ўртасида «Кичкintой-ширинтой» спорт мусобақасининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.



«Кичкintой-ширинтой» спорт мусобақасида пойтахт туманларида ғолиб чиққан 110 нафар тарбияланувчи иштирок этди. Мусобақа давомида болалар

саватга тўп ташлаш, тўсиқлар оша югуриш, бадий гимнастика элементларини бажариш каби шартлар бўйича беллашди.

Мусобақада Яккасарой тумани тарбияланувчилари ғолибликни қўлга киритди.

Суратларда: мусобақадан лавҳалар акс этган.

**Муҳаммад АМИН (ЎЗА)**  
олган суратлар.



**Ma'rifat**

**TA'SIS ETUVCHILAR:**

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

**Bosh muharrir:**  
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Xurshid DO'STMUHAMMEDOV, Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV

**Gazeta**  
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

**INDEKS:** 149, 150. G-822.  
Tiraj 27881.  
Hajmi 4 bosma taboq.  
Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

**Navbatchi muharrir:**  
Hulkar RAJABOVA.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi. belgisi ostida reklama materiallari beriladi.

**MANZILIMIZ:** 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

**E-mail:** info@marifat.uz  
**Web-site:** www.marifat.uz

**TELEFONLAR:** mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

**Bahosi sotuvda erkin narxda**

**Dizaynerlar**  
Liliya BINASHEVA,  
Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxonalar manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish vaqti — 21.00.  
Topshirildi — 21.20  
ЎЗА йкун — 21.00